

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ**

Б.А.УМИРЗАКОВ

«КРИМИНОЛОГИЯ» ФАНИДАН

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК
ТАВСИФИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг

Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган

Масъул муҳаррир

юридик фанлар доктори, профессор Қ.Р.Абдурасулова

Такризчилар: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминология кафедраси профессори, ю.ф.д., проф. **А.Г.Закирова**

Тошкент давлат юридик университети жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти, ю.ф.н., доцент **С.С.Ниёзова**

М- Умирзаков Б.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва олдини олиш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. 110 б.

Ушбу қўлланма вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифини очиб бериш ва олдини олишни такомиллаштиришга оид назарий ва амалий муаммолар ҳамда уларнинг ечимига бағишланган бўлиб, унда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, вояга етмаганлар жиноятчилиги тушунчаси, криминологик тавсифи, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг таҳлили, сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда олдини олишни ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ёритилган. Мазкур ўқув қўлланма «Криминология» фанини қўшимча ўрганиш мақсадида тайёрланди.

Қўлланма тадқиқотчилар ва амалиёт ходимлари, юридик таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, мустақил изланувчиларга, тингловчи, курсант ва талабаларга мўлжалланган.

ББК _____

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019

Энг олий неъмат – бу тинчликдир. Оила тинч бўлса-жамият, юрт тинч бўлади. Шундай экан, тинчлигимизни асраб-авайлаб, халқимизга садоқат билан хизмат қилсак, албатта натижа бўлади¹

Ш.М.МИРЗИЁЕВ

КИРИШ

Ҳар қандай давлатнинг таракқиёти ўсиб келаётган авлоднинг таълим ва тарбия даржасига боғлиқдир. Бунга эришиш учун, аввало, жамият аъзолари, хусусан, вояга етмаган ва ёшларнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий онги ва маданияти юқори бўлиши талаб этилади. Бу борада вояга етмаганлар жинойтчилигининг ўзига хос хусусиятларини, сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, мазкур жинойтчиликнинг олдини олиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Вояга етмаганлар жинойтчилиги ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Келажақда ҳам шундай бўлиб қолади, чунки, вояга етмаганлар миллатнинг, халқнинг, давлатнинг келажагини белгилаб берувчи кучдир. Вояга етмаганлар жинойтчилигининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у барвақт профилактиканинг асосий объектлардан бири ҳисобланади.

Бинобарин, вояга етмаганлар жинойтчилигининг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш орқали вояга етмаганлар жинойтчилигини олдини олиш ва уни барвақт профилактикасини ташкил этишга эришилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида «....Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим

¹ Мирзиёев.Ш. Ислохотлар самарасини, дастурлар натижасини одамлар ўз ҳаётида сезиши керак. Халқ сўзи.2018 йил 30 июнь, №132(7090).

вазифадир. Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз¹» деган сўзлари ҳам вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиш, уни таҳлил этиш ва барвақт профилактикасини амалга ошириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизга яқинини вояга етмаганлар ташкил этиши вояга етмаганлар жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий омил эканлигидан далолат беради.

Азалдан мамлакатимизда фарзанд дунёга келганидан бошлаб, то камолга етгунига қадар унинг таъминоти, таълим-тарбияси ва билим олиши, касб-ҳунар эгаллашига, умуман, етук инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратиб келинган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида «...Халқимизда «таълим ва тарбия бешиқдан бошланади» деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди²» деган фикрлари ҳам сўзимизни яна бир бор исботлайди.

Бундан кўриниб турибдики, вояга етмаганларни маърифатли қилиб тарбиялаш унинг дунёга келишидан бошланиши ва давомийлик касб этиши

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади // <http://uza.uz>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

лозимлиги, натижада болаларимиз жамиятимизда ўрнатилган қонун-қоидаларга риоя этиш ва қонунларга итоткорлик руҳини сингдириб бориш кераклигини билдиради.

Вояга етмаганларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни терроризм, диний экстремизм, «оммавий маданият», зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялаш вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга хизмат қилади. Афсуски, ҳозирда вояга етмаганлар томонидан жиноятларнинг барча турлари содир этилмоқда:

2013 йилга нисбатан 2017 йилда содир этилган жами жиноятлар 18,3%га камайган, шундан: вояга етмаганларнинг ҳиссаси 30,2%га камайган. Жиноятларни содир этган шахслар 17,0%га, вояга етмаганлар 35%га камайган. Мактаб ўқувчилари 10 %га, коллеж ва лицей ўқувчилари 24,5%га камайган. Бироқ, мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 4,0%га ошган. Шунингдек, вояга етмаганларнинг умумий жиноят содир этган шахслардаги улуши деярли камаймаган, бу кўрсаткич 2016 йилда 2,2%, 2017 йилда ҳам 2,2 %ни ташкил этган. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган жиноятлар 2013 йилдан 2017 йилга қадар атига 10 % камайган.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасининг долзарблиги, аввало, бу йўналишдаги жиноятларнинг динамикаси билан эмас, балки унинг жамиятга ижтимоий салбий таъсири билан боғлиқдир, чунки вояга етмаганлар жиноятчилигининг миқдор кўрсаткичи жуда кам бўлсада, бироқ ижтимоий нуқтаи назардан катта йўқотишлар рўй беради. Масалан, бутун бир мактаб ёки маҳаллада атига бир нафар вояга етмаган шахс жиноят содир қилган бўлса ҳам, бу ҳол мактаб ёки маҳаллада болалар таълими ва тарбияси борасида жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатади¹.

¹ Гофуров Ш.Р. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. - №3. – Б.64.

1-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1 §. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг халқаро ҳуқуқий асослари

Демократик принципларга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлат, энг аввало, ушбу жараённинг узок тараққиёт йўлини босиб ўтишини англаган ҳолда асосий эътиборни баркамол авлоднинг тарбиясига қаратади. Халқнинг эзгу орзу-умидларини ўзида мужассам этган ушбу олий мақсадни рўёбга чиқаришда муносиб ворисларни тарбиялаш жамиятнинг ривожига ҳисса қўшади. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлониининг «**Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур**»¹, деган сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бинобарин, баркамол ёш авлодни тарбиялашда жамиятда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳум аҳамият касб этади.

Интернетда келтирилган маълумотларга кўра дунё бўйича 250 млн.га яқин бола ўқиш ўрнига ишлаб келмоқда, 5,7 миллион нафар бола мажбурий меҳнат билан машғул, 70 млн.дан ортиқ болалар мактабга бормайдилар, 1,8 млн. нафар бола фоҳишабозлик ёки порнография билан шуғулланади, 1,2 млн. нафар бола одам савдоси қурбони бўлади². Ушбу рақамларнинг ўзи биздан болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш уларни таъминлаш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

¹ Авлони, Абдулла. Танланган асарлар: 2 жилдлик, 2-нашри, 2-жилд. Пандлар, ибратлар, ҳикоялар, набиёлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари // Таҳрир ҳайъати: Н.Каримов ва бошқ.; Тўпловчи: Б.Қосимов; Изоҳлар ва луғатни О.Тўлабоев тузган /. – Т.: «Маънавият», 2006. – Б-37.

² <http://www.jeevajyothi.org>.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари – жамиятда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда профилактик фаолиятни белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи¹.

Ўзбекистонда етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини бу соҳадаги халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг, вазирлик ва давлат қўмиталарининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади².

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид **халқаро** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар киради:



1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (1948);
2. Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари (1957);
3. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (1966);
4. Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенция (1965);
5. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (1979);

¹ И.Исмоилов, М.Зиёдуллаев, Н.Исроилова, Ф.Азимова. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш: Ўқув амалий қўлланма / Масъул муҳаррир И.Исмоилов. – Т.: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2011. Б 10.

² Ўша асар. Б 10.

6. Қийноқ ҳамда муомила ва жазолашнинг қаттиқ шавқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция (1984);
7. Жиноятдан жабр кўрганлар ва мансабни суиистеъмол қилганлик учун одил судлов асосий тамойилларининг Декларацияси (1985);
8. Бирлашган миллатлар ташкилотининг озодликдан маҳрум этилган вояга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалари (1986);
9. Ҳар қандай шаклда ушлаб туриш ёки қамоқхонага қамаб қўйилган барча шахсларни ҳимоя қилиш бўйича тамойиллар тўплами (1988);
10. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989);
11. Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий тартиботни сақлаш борасидаги ҳуқуқ-атвор кодексини самарали амалга ошириш учун раҳбарлик тамойиллари (1989);
12. Бирлашган миллатлар ташкилотининг қамоқхонага қамаб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган чораларга нисбатан минимал стандарт қоидалари («Токио қоидалари») (1990);
13. Маҳкумлар билан муомала қилишнинг асосий тамойиллари (1990);
14. Ҳуқуқий тартиботни сақлаб туриш бўйича мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқотар қуроллардан фойдаланишнинг асосий тамойиллари (1990);
15. Бирлашган миллатлар ташкилотининг вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича дастурий принциплар («Ар-Риёд» дастурий принциплари) (1990);
16. Болалар савдоси, бола фоҳишалиги ва бола порнографиясига қарши бола ҳуқуқлари бўйича Конвенцияга қўшимча протокол (2000);
17. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (2006);
18. Жиноятдан жабр кўрган ва жиноят гувоҳи бўлган болаларни ҳимоялаш тўғрисидаги Декларация (2005).

Бола ҳуқуқларига оид қонунлар тизимини такомиллаштириш мақсадида, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-Конвенцияси, Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенция ҳукуматимиз парламенти томонидан ратификация қилиниб, миллий қонунчилигимизга ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 77-моддасининг иккинчи қисмига ўзгартириш киритилиб, унга кўра, *«ишга қабул қилишда йўл қўйиладиган ёш» 15 ёш этиб белгиланди.* «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига ўзгартишлар киритилди.

Бола ҳуқуқларига оид турли соҳадаги қонун ҳужжатларни ўзида мужассам этадиган ҳуқуқий тартибга солишнинг ишлаб чиқилган ягона механизми, бу Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни бўлиб унда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг асосий принциплари ва қоидалари мустаҳкамлаб қўйилди. Ушбу қонунни юқорида номи келтирилган Конвенцияда баён этилган болаларнинг барча ҳуқуқлари комплексини мустаҳкамловчи Болалар Конституцияси, дейиш мумкин.

Конвенциянинг 43-45-моддаларига биноан БМТда 10 экспертдан иборат Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита ташкил этилган. Экспертлар Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари томонидан адолатли равишда географик нуқтаи назардан тақсимланиш ва бош ҳуқуқий тизимлар ҳисобга олиниб, 4 йил муддатга сайланадилар (қайта сайланиш ҳуқуқи билан).

Қўмита аъзо-давлатлардан, улар томонидан Конвенция талаблари қай даражада бажаралаётганлиги, мамлакатдаги болаларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни сўраши мумкин, турли мамлакатлардаги болаларнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни йиғади ҳамда таҳлил қилади, тегишли тавсияларни ишлаб чиқади ва икки йилда бир марта ЭКОСОС орқали БМТ Бош Ассамблеясига ўзининг таклиф ва тавсиялари билан маърузасини тақдим этади. Қўмита БМТнинг ихтисослашган муассасалари (ХМТ, ЖССТ ва

бошқалар), ЮНИСЕФ ҳамда БМТнинг бошқа органлари, ҳукуматлар ва жамоат ташкилотлари билан чамбарчас алоқаларда ишлайди.

ЎЗИГА ХОС ҲИМОЯ:

ЮНИСЕФнинг маълумотларига қараганда **40 дан ортиқ** мамлакатларда миллий ва минтақавий даражадаги бола ҳуқуқлари бўйича вакиллик хизматлари бола ҳуқуқларини таъминлаб беришнинг мустақил механизми функциясини бажармоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1979 йилни Халқаро болалар йили, деб эълон қилиш каби саъй-ҳаракатлари, бола ҳуқуқлари муҳимлигини ва уларга риоя қилинишини назорат қилиш механизмларини яратиш зарурияти мавжудлигини кўрсатади.

Болалар ҳуқуқларининг ҳимояси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар, ва шунингдек, бевосита болалар ҳуқуқларига бағишланган ҳужжат – 1989 йил 20 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция каби универсал халқаро шартномалар асосида таъминланмоқда.

Дунёда йигирмадан ортиқ мамлакатлар бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция тамойилларини ўз Конституцияларига киритган. Элликдан ортиқ мамлакатда қонунлари унинг Конвенция қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида қайта кўриб чиқилмоқда.

2 §. Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши, улар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ҳар бир мамлакатда болалар манфаатларини муҳофаза қилишга оид сиёсат олиб бориш болаларнинг ҳақиқий аҳволи, уларнинг эҳтиёжларини янада яхшироқ таъминлашнинг усуллари тўғрисидаги ахборотларга асосланиши керак.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, улар ҳуқуқбузарликлари профилактикасига қаратилган юқоридаги халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ва қатор **миллий** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Булар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994);
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994);
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994);
4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995);
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси (1997);
6. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси (1998);
7. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида¹»ги Қонуни (1997);

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон..

8. Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»¹ги Қонуни (2001);

9. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»²ги Қонуни (2008);

10. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»³ги Қонуни (2008);

11. Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»⁴ги Қонуни (2008);

12. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига таалукли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»⁵ги Қонуни (2008);

13. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига таалукли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»⁶ги Қонуни (2008);

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 15-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 118-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 262-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 492-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 494-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг «Болалар меҳнатининг оғир шакллари
- тақиқлашга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида¹»ги Қонуни (2008);
15. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида²»ги Қонуни (2008);
16. Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида³»ги Қонуни (2010);
17. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида⁴»ги Қонуни (2014);
18. Ўзбекистон Республикасининг «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида⁵»ги Қонуни (2014);
19. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида⁶»ги Қонуни (2016);
20. Ўзбекистон Республикасининг «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида⁷»ги Қонуни (2016);

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 87-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 117-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 1-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018., 03/18/486/1559-сон.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018., 03/18/486/1559-сон.

⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 52-сон, 596-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда.

21. Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида¹»ги Қонуни (2017);

22. Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида²»ги Қонуни (2018);

23. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида³»ги Қонуни (2018);

24. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида⁴»ги Қонуни (2019) ва шу каби бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларининг устуворлигини ва болалар аҳволини яхшилаш учун ҳамкорликнинг муҳимлигини эътироф этиб Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни 1992 йилда ратификация қилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида⁵» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида⁶»ги қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида болалар ҳуқуқ ва манфатларига эътибор авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан боғлиқдир. Жумладан, Конституция⁷нинг 41-моддасида ҳар кимнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 976-модда.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 03/18/489/1593-сон.

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.07.2018., 03/18/478/1423-сон.

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019., 03/19/528/2741-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 492-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 494-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Т.: «Ўзбекистон», 2018. – 80 б.

билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланишини белгиланган бўлса, Конституциянинг 45-моддасида «Вояга етмаганлар меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир» деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Конституциянинг «Оила»га бағишланган XIV бобининг 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради», дейлган.

Конституциянинг 65-моддасига кўра «Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади».

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида болага бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар); «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунида вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс деб таъриф берилган. Ушбу Қонунда бевосита «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солинади¹.

Бундан ташқари «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида «боланинг қонуний вакиллари», «васийлик ва ҳомийлик», «етим бола», «жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола», «ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар», «ногирон бола», «ота-онанинг ўрнини

¹ И.Исмаилов. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2010. - №4. – Б.48.

босувчи шахслар», «ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола»¹ шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида «вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси», «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган», «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила», «назоратсиз», «якка тартибдаги профилактика иши», «қаровсиз», «ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар»² кабиларга, таърифлар берилган.

Дарҳақиқат, ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятида, биринчи навбатда инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Шундай экан, адолатли ҳуқуқий демократик давлат қуриш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда фаровон ҳаёт даражасига эришиш – халқимизнинг интилаётган юксак марраларидир. Ушбу олий мақсадларга эришишда жамиятимизда ёшларнинг ўрни ва роли ўзгача.

Бугунги кунда мамлакатимизда вояга етмаган – **18 ёшгача** бўлган аҳолининг **40 фоизини ташкил** қилади. Келтирилган ушбу рақамларга асосланиб айтиш мумкинки, вояга етмаганлар жамият ва давлат ривожига таъсир этувчи ва ҳал қилувчи асосий омилдир.

Шу ўринда, айнан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда Конституциянинг ўрни беқиёс эканлигини унутмаслик даркор. Конституциянинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга деб белгилаб қўйилган. Шунга асосан, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир, деб болаларимизнинг билим олиш ҳуқуқи мустаҳкамланган ушбу модда республикаимиздаги барча

¹ Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами (2015 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) / Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси Ш.Газиёвнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Адолат. 2015. Б-31-32.

² Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами (2015 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) / Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси Ш.Газиёвнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Адолат. 2015. Б-47-48.

вояга етмаганларни умумтаълим мактабларида бепул таълим олишларини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазлиги матбуот хизмати маълумотига кўра, умумтаълим мактабларида 2018-2019-ўқув йилида 1-синфга 613 минг 950 нафар ва 11-синфга 279 минг 788 нафар ўқувчи қабул қилиниши натижасида ўқувчиларнинг умумий контингенти ўтган ўқув йилига нисбатан 893 минг 738 нафарга, яъни 20 фоизга ошган. Шунга қарамай, тизимда олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида мактаб ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятлар сони 2018 йилда 2017 йилга нисбатан камайди.

Хусусан, жиноят содир этилиши ҳолати 10 минг нафар ўқувчига нисбатан таҳлил қилинганда 2016 йилда ҳар 10 минг нафар ўқувчидан 0,9 нафари жиноят содир этган, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 0,8 ўқувчи, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 0,7 ўқувчини ташкил этди¹.

Республикамизда вояга етмаганлар учун умум таълим мактабларида билим олишга шарт-шароитлар яратилган, бироқ айрим ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганларни билим олишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари мавжудлиги ачинарли ҳолдир. Давлатимиз томонидан вояга етмаганларнинг билим олишига тўсқинлик ёки қаршилиқ қилиш ҳолатларини олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасида жавобгарлик белгиланган. Унга асосан, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик,

¹ Абдурасулова Қ.Р., Мамажонов Ш. Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик: сабаблари ва олдини олиш чоралари. // “Замонавий жамиятда инновацион тараққиёт ва ижтимоий-гуманитар фанлар интеграцияси” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари (14 март 2019 йил) тўплами. Т.: Ўзбекистон халқаро Ислом Академияси. 2019. Б-11.

шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши - энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши, шунингдек худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, - энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши ҳамда болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилиш - энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади. Агарда ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, - энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, республикамизда 2018 йилнинг 10 ойида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддасининг 1-қисми бўйича 16 647 та ва 3-қисми бўйича 88 та¹ ҳолат аниқланган.

Оила ҳар бир боланинг яшаши, камол топиши учун асосий макон ҳисобланади. Оиланинг ички ҳаётига, болалар тарбиясига бошқаларнинг ўзбошимчалик билан аралашишига, тарбиясига салбий таъсир ўтказишига йўл қўйилмайди. Агар боланинг ҳуқуқлари камситилса, бундай оилага нисбатан қонуний йўл билан таъсир кўрсатишга, ота-онанинг ҳуқуқларини чеклашга, ҳатто, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш чорасини қўллашга ҳам тўғри

¹Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг (01.01.2018 йилдан 31.10.2018 йилгача) маълумотлари 2018 й.

келади. Ушбу жавобгарлик ҳолатларининг жорий этилишидан мақсадлардан бири бу мавжуд оилаларнинг ажралиб кетилишини ҳамда вояга етмаганни моддий ёрдамга муҳтожлигининг олдини олишдир.

Шу ўринда республикамизда 2017 йилда 31 929 та никоҳдан ажралиш аниқланган, шундан ушбу оилаларда 18 ёшга тўлмаган болалар 17 549 нафарни ташкил этган¹.

Шу муносабат билан ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига кадар боқиш ва тарбиялаш мажбуриятини бажармаганлиги учун жавобгарликни тартибга солиш мақсадида 2018 йил 9 январь куни «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 47⁴-модда киритилди, унга асосан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, - ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади². Шунингдек, алимент тўлашдан бўйин товланганлик учун жиноий жавобгарлик

¹Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХПББнинг (2018 йил 1 январь ҳолатига) маълумотлари 2018 й.

²Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон – 3-м.

белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига кўраасосан, моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жихатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо кўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, - икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, - икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади.

Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир, деб вояга етмаганларнинг моддий манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси белгилаб кўйилган.

Ногирон ва етим болалар жамиятда ўз ўринларини топиб кетишлари, руҳан эзилмасликлари учун уларга алоҳида ғамхўрлик ва малакали тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим. Бола жисмоний, ақлий, руҳий, маънавий, ижтимоий камолоти учун етарли ҳаёт даражасига эга бўлиш, билим олиш ҳуқуқига эга. Бу талабларни бажариш, аввало, ота-оналарга юклатилган юксак масъулиятдир. Таълим-тарбия боланинг жисмоний, ақлий иқтидоридан келиб чиққан ҳолда, унинг онги шаклланишига, жамиятда ўз ўрнини топиб кетишига хизмат қилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, боланинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, дам олиш ҳуқуқи, илмий-техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади. Бинобарин, Конституциянинг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги ҳамда давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни

таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантириши кўрсатиб ўтилган. Хозирги кунда, республикамизда жами 19 та меҳрибонлик уйлари фаолият олиб бораётганлиги ва ушбу Меҳрибонлик уйларида жами 2.232 нафар вояга етмаган тарбияланиб келаётганлигидан¹ ушбу белгилаб берилган талабларнинг давлатимиз томонидан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Конституцияда ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги белгилаб берилганлиги билан бир қаторда вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишни тартибини белгилаб қўйган. Шунга асосан, Конституциянинг 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишга мажбурлиги бўйича нормалар белгилаб қўйилган ва ушбу нормаларни амалиётда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекитсон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47⁵-моддасида вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, - ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ маъмурий қамоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади². Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида айнан 123-моддасида вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан

¹Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХПББнинг(2018 йил 1 январь ҳолатига) маълумотлари 2018 й.

²Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон – 3-м.

бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, - уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, агар шахс алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлиқ тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ушбу халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб бир қанча миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда давлат ва ота-оналардан ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан оилада етук, баркамол авлодни шакллантириш мақсадида қатор мажбуриятларни бажаришлари улар вояга етгунга қадар юклатилган.

Бу мажбуриятлар қуйидагилардан иборатдир:



биринчидан, болани бошпана, мавсумий кийим-кечак ва етарли озиқ-овқат билан таъминлаш;

иккинчидан, болани ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган турли хавф-хатардан ҳимоя қилиш;

учинчидан, болани соғлиғига шунингдек танасини тўғри ривожланишига эътибор қаратиб, тегишли тартибда тиббий кўрикдан ўтказиб туриш ва баркамол бўлиб ўсиши учун жисмоний тарбия билан мунтазам шуғуллантириш;

тўртинчидан, оилада юксак маънавий муҳитни таъминлаш орқали болага ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган урф-одатлар (меҳрибонлик, самимийлик, ғамхўрлик, каттага ҳурматда кичикка иззатда бўлиш, саломлашиш, меҳмондўстлик, дўстлик, баҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат,

инсонпарварлик ва ҳ.к.) ва ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш руҳиятини сингдириб бориш;

бешинчидан, боланинг умумий таълим мактабларида илм олиши, ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, ёдлаш сирларини ўрганиб боришини таъминлаш;

олтинчидан, болани доимий равишда қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб унга ҳунар ўргатиш;

еттинчидан, болада ёт ғояларга қарши иммунитетни ҳосил қилиш ва унда Ватанга, миллий ва диний қадриятларга, урф-одат ва маданиятга нисбатан меҳр-муҳаббат ор-номус, ғурур, ифтихор каби туйғуларни шакллантиришда кўмаклашиш.

Давлат, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар юқорида санаб ўтилган мажбуриятларни самарали бажариши орқали нафақат вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш ва оилада етук, баркамол авлодни шакллантиришга эришилади, балки ўзларининг келажакларини фаровон бўлишини ҳам таъминлайдилар.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1-савол: Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шартли равишда нечта гуруҳга ажратиб ўрганилиши мақсадга мувофиқ?

2-савол: Ўзбекистон Республикамиз томонидан БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини қачон ратификация қилинган?

3-савол: Бола ёки вояга етмаганлар тушунчаси қайси норматив ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган?

4-савол: Бола деганда нимани тушунасиш?

5-савол: Назоратсиз ва қаровсиз тушунчалиридаги фарқларни шарҳлаб беринг?

6-савол: Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари деганда нима

тушунилади?

7-савол: Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиниши нималарда акс этирилади?

8-савол: Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси қандай аҳамиятга эга?

2-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА ВОЯГА ЕТМАГАН ЖИНОЯТЧИНИНГ ШАХСИ

1 §. Вояга етмаганлар жиноятчилиги тушунчаси

Вояга етмаганлар жиноятчилиги тушунчасига тўхталишдан олдин «*жиноятчилик*» тушунчасининг моҳиятига аҳамият беришни лозим деб топдик.

«*Жиноятчилик*» тушунчаси криминологиянинг энг муҳим ва кенг қамровли тушунчасидир. Унга камида икки нуқтаи назардан: формал миқдорий (статистик) ва сифат (социологик) томонлардан ёндошиш мумкин¹.

«*Жиноятчилик*» тушунчаси унинг сифати ва мазмуни нуқтаи назаридан ўрганилиши муҳим. Шунингдек, у криминология предмети билан узвий боғлиқлиги сабабли, жиноят ҳукуқи, жиноят процесси ва умуман криминалистика жиноят шаклларини ўрганиш билан чекланади ва шу боисдан муайян қилмишни давлат томонидан тартибга солиш ва уни жиноят-ҳукуқий, жиноят процессуал ва криминалистика мезонларига кўра баҳолаш муаммоларини ишлаб чиқади. Криминология эса, асосан жиноятчилик мазмуни (моҳияти)ни ўрганади. Шу нуқтаи назардан «*жиноятчилик*» тушунчаси унинг жамият тарақиёти, энг аввало унинг ишлаб чиқариш ва тақсимлаш муносабатлари ҳолати билан боғлиқ об'ективлигини акс этиради².

«*Жиноятчилик*» тушунчасига З.Зарипов ва И.Исмоилов³, М.Усмоналиев ва Й.Каракетов⁴, Қ.Абдурасулова⁵ ва Г.Аванесов⁶ларнинг берган таърифларини ўрганиб И.Исмоилов, Қ.Абдурасулова ва И.Фозиловлар «*жиноятчилик* – муайян ҳудуд (мамлакат ёки унинг маъмурий-ҳудудий бирлиги)да, маълум давр (ой, чорак, ярим йил, тўққиз ой, йил, икки йил ва бошқ.)да содир этилган барча жиноятлар

¹ Қ.Р.Абдурасулова. криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет. Б 19.

² Қ.Р.Абдурасулова. криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет. Б 19-20.

³ Зарипов З., Исмоилов И. Криминология. Умумий қисм: Дарслик. – Т., 1996. – Б. 25.

⁴ УсмоналиевМ., Каракетов Й. Криминология: Дарслик. – Т., 2001. – Б. 36.

⁵ Қ.Р.Абдурасулова. криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет. Б 22.

⁶ Kriminologiya: Darslik / Mualliflar jamoasi. Z.S.Zaripovning umumiy tahriri ostida. – Т., 2009. – В. 43.

мажмуини ўз ичига олган, белгиланган миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан таърифланадиган, яширин хусусиятга эга, нисбатан оммавий, объектив, тарихий ўзгарувчан, ижтимоий хавфли, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса¹» деб ўзларининг фикрларини билдирганлар.

В.М.Коган жиноятчиликнинг ижтимоий хоссаларини ўрганиб чиқиб, унга «муайян жойда, муайян вақтда содир этилган барча жиноятлар ҳамда ушбу жиноятларни содир этишда айбдор бўлган жиноятчилар мажмуи²» деб таъриф беради.

Немис криминологи Арманд Морген 1961 йилдаёқ «**жиноят** – кадим замонлардан бери мавжуд бўлган ва токи жамият мавжуд экан, ҳеч қачон йўқолмайдиган ҳодисадир» дейди.

Жиноятчилик жиноят-ҳуқуқий ҳодисадир, чунки унинг таркибидан ўрин олган жиноятлар доираси амалдаги жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилади. Биз жиноятчилик тўғрисида сўз юритганимизда, давлат томонидан тан олинган ижтимоий-хавфли ва ғайриҳуқуқий қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) мажмуидан келиб чиқамиз. Шундай қилиб, жиноятчилик бир қанча ўзига хос белгиларга эгадир. Булар: нисбатан оммавийлик, тарихий ўзгарувчанлик, объективлик, ижтимоийлик, жиноят-ҳуқуқийлик, у ёки бу давлатда муайян даврда содир этилган барча жиноятларнинг умумий миқдори.

Инсон биоижтимоий мавжудот бўлиб, у ўзи истиқомат қилаётган ижтимоий муҳитдаги тартиб-қоидаларга бўйсунган ҳолда яшашга мажбурдир. Уларга бўйсунмаслик, ҳуқуқбузарлик ёки ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилишига олиб келади. Ҳуқуқбузарлик ёки ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар эса, инсоннинг ижтимоий тартиб, қоида ва талабларга зид бўлган хулқ-атвори натижасидир.

Жиноятчилик ҳодисасини бир бутун деб оладиган бўлсак, вояга етмаганлар жиноятчилиги унинг ажралмас, асосий қисми ҳисобланади. Чунки, болалик ёки ўсмирлик ёшидан бошланган ҳуқуқбузарлик ёки жиноятчилик

¹ Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмоилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Мқрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 59.

² Коган В.М. Социальные свойства преступности. – М., 1977. – 37 б.

баъзан кишига бутун умр ҳамроҳ бўлиши мумкин. Шу боисдан дунё миқёсида вояга етмаганлар жиноятчилиги муаммосини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва унинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

Вояга етмаганлар жиноятчилигига юқоридагилардан келиб чиқиб фикримизча «**вояга етмаганлар жиноятчилиги** – вояга етмаган(жиноят ёшига тўлган)лар томонидан муайян макон, минтақада маълум давр ичида содир этилган барча жиноятлар мажмуи кўринишидаги тарихан ўзгарувчан, салбий, объектив ва ижтимоий ҳодисадир». Шунингдек, муайян ҳудудда, маълум вақт мобайнида вояга етмаган(жиноят ёшига тўлган)лар томонидан содир этиладиган барча жиноятлар йиғиндиси тушунилади».

Вояга етмаганлар жиноятчилиги катталар жиноятчилиги каби ижтимоий хавфли ҳодисадир. Чунки, у:

- жамият тарақиётига, иқтисодий ислоҳотларга ва давлат бошқарувида тўсқинлик қилади;

- жамият сокинлигини, жамоат тартибини ва аҳолининг осойишта ҳаёт кечиришини бузади, ижтимоий ва сиёсий вазиятни кескинлаштиради;

- инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилишига, ижтимоий ҳаётнинг ёмонлашувига ва ижтимоий институтларнинг беқарорлигига олиб келиши мумкин;

- жамият аъзоларига келтираётган моддий, маънавий ва жисмоний зарари билан инсонларда ишончсизлик, ваҳима, қўрқув ҳиссини уйғотади;

- мустаҳкам фикрга эга бўлмаган шахсларнинг тенгдошларининг хулқ-атворини бузади, уларни жиноят содир этишга ундайди;

- жиноятиликнинг сабаб ва шароитларини янада кучайтиради ва ҳоказо¹.

Криминологияда вояга етмаганлар жиноятчилиги ижтимоий ва жиноят-ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўрганилади.

¹ Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмоилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Мқрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 61.

Ижтимоий ҳодиса сифатида вояга етмаганлар жиноятчилиги жамият ижтимоий муносабатларининг махсули сифатида тарихан ўзгарувчандир. У жамиятнинг ривожланиши билан ҳам миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариб боради.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги жиноятлар таркибидан иборатдир. Жиноятлар Жиноят кодекси билан белгиланади ва тарбига солинади. Шундан келиб чиқиб вояга етмаганлар жиноятчилигини жиноят-ҳуқуқий ҳодиса сифатида ўргнилади.

Жиноят деб Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)га айтилади (ЖК 14-модда).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасига асосан жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар ҳамда жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари (97-моддаси иккинчи қисми) учунгина шунингдек, жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекс 97-моддаси биринчи қисми, 98, 104 — 106, 118, 119, 137, 164 — 166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортилиши белгилаб берилган.

Республикаimizдаги жами вояга етмаганларни жиноятчилигини таҳлил қилганда ёш бўйича ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Республикаimizда жами вояга етмаганларнинг 0-13 ёшгача бўлганлари (81,3%)ни, 14-17 ёшгача эса (18,7%)ни ташкил этади.

Шундай экан, вояга етмаганлар томонидан ёши жиноят ёшига тўлмаган бўлиб жиноят содир этсалар ҳуқуқий томондан жиноят эмас деб топилади ва рўйхатга олинмайди. Бундан ташқари, ушбу Кодекснинг 122, 123, 125¹, 127,

144, 146, 193 — 195, 205 — 210, 225, 226, 230 — 232, 234, 235, 279 — 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар, демак ушбу жиноятлар вояга етмаганлар томонидан содир этилмайди яъни вояга етмаган шахслар ушбу жиноятларни содир этсаларда бироқ бу жиноят деб эътироф этилмайди.

МУАММО НИМАДА?

Криминологик тадқиқотларда шахс жиноий фаолият йўлига қанча эрта кирса, бу фаолият шунча узоқ давом этиши ва хавфлироқ тус олиши кўрсатилади. Рецидивистларнинг кўпчилиги биринчи жиноятини вояга етмасидан содир этган.

Шу боисдан, вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик жиҳатларини ўрганиш ва унинг олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг кучайтирилиши ва амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

2 §. Вояга етмаган жиноятчининг шахси

Вояга етмаган жиноятчининг шахсини аниқлашда аввал шахс тушунчасига, ундан олдин инсон тушунчаларига жавоб топишимиз лозим бўлади.

Инсон моддий оламнинг узвий қисмидир. Ўзи яшаётган табиий муҳитга мослашиб оладиган ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, одам ижтимоий организм, уюшган ижтимоий куч сифатида табиатга муайян даражада қаршилик кўрсатади, ўзи яшаётган муҳитни ўзгартиради, уни ўз эҳтиёж ва манфаатларига мослаштиради. Инсон табиат билан яшайди. Табиат инсон танасидир¹.

Инсоннинг табиий мавжудот сифатида ҳайвондан фарқи шундаки, у онгли, фаол мавжудотдир. Тўғри сизда ҳайвонларда ҳам онг мавжудку деган савол туғилиши мумкин. Бироқ у, олдиндан қўйилган мақсадларга мувофиқ, табиатдан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш билан бирга уни ўзгартиради. Шу маънода инсон нафақат атроф муҳит маҳсули, балки унинг бунёдкори ҳамдир.

Инсонда онгнинг мавжудлиги унинг ижтимоий ва биологик жиҳатлари ўзаро нисбатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Зотан, онг ижтимоий маҳсулотдир. Онг инсоннинг объектив борлиқни акс эттириш шакли, одамнинг бошқа одамлар билан объектив муносабатларини акс эттириш шакли сифатида амал қилади. Бинобарин, ушбу муносабатлар ўз манбаига кўра ижтимоий хусусиятга эгадир.

Шахс алоҳида киши, ижтимоий-ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган индивиддир. Бу тушунча барча ижтимоий-гуманитар фанларда ўз предмети нуқтаи назаридан ишлатилади. Шахс ҳақида хилма-хил талқинлар бор. Шахс – биофизиологик, ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик фазилат ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда муносабатлар тизими билан қамраб олинishiдир².

Инсоннинг шахс сифатида шаклланишида қуйидаги омиллар қатнашади:

1) биологик (насл);

¹ Қ.Р.Абдурасулова. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет. Б 60.

² Қ.Р.Абдурасулова. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет. Б 60.

- 2) табиий муҳит;
- 3) маданий муҳит;
- 4) ижтимоий тажриба;
- 5) атрофдаги одамлар билан муносабат.

«Шахс» тушунчаси инсоннинг ижтимоий фойдали меҳнатга муносабатини, инсон ижтимоий ривожланиш учун зарур бўлган хоссаларни шакллантириш учун ўзи устида қандай ишлашини муқаррар тарзда қамраб олади.

Инсон шахси табиий ва ижтимоий, моддий ва маънавий фазилатлар ва хислатларнинг мураккаб уйғунлигидир. Шахс ўз шахсий (индивидуал) ва жамиятдан олинган ижтимоий тажрибага эга бўлган ҳаракатчан тизимдир. Мазкур тажриба шахснинг ўзини қуршаган муҳитга муносабатида, унинг ҳис-туйғулари ва ҳулқ-атворида ўз аксини топади¹.

Энди биз жинойтчи шахсига тўхталамиз. Жинойтчи шахси бу аввало жинойтнинг субъектидир. Жинойт ҳуқуқида жинойт субъекти деб топиш учун қуйидаги учта кўрсаткич инобатга олинади. Булар:

- субъектнинг жисмоний шахс эканлиги;
- субъектнинг муайян ёшга тўлганлиги;
- субъектнинг ақли расолиги ҳисобланади.

Аммо жинойтчи шахсини тавсифлаш учун жинойт субъектининг жинойт-ҳуқуқий белгилари етарли эмас. Бу белгилар фақат жинойт содир этган шахснинг мавжудлигини эътироф этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Криминология фанининг ҳозирги кундаги ривожланиш даражаси ва жинойтчиликка қарши кураш амалиёти эҳтиёжидан келиб чиқиб, бу мураккаб ҳодисани тадқиқ этиш ҳуқуқбузарликлар ва жинойтларнинг алоҳида турларини, жинойтчиларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг психологик белгиларини ва турли ҳудудлардаги криминоген вазиятни ҳисобга олган ҳолда дифференциация қилиш зарурлигини кўрсатади.

¹ Қ.Р.Абдурасулова. криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет. Б 62.

Шулардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганишга уларнинг ёш гуруҳлари, ижтимоий-демографик ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим¹.

Белгиялик математик, астроном, социолог Адолф Кетле жиноятчиликнинг ривожланиш қонуниятларини тушунтиришга ҳаракат қилиб жиноят содир этишга мойиллик одамнинг ёши, жинси, касби, маълумоти даражаси, йилнинг мавсуми ва бошқаларга боғлиқ бўлади”², деб фикр билдирган.

Унинг жиноий хулқ-атворнинг вужудга келишига ижтимоий муҳит сабабчи³ дейиши асослидир, албатта.

Ёшларни ривожланишининг руҳий-физиологик кўрсаткичларига асосан таснифлаш одам ҳаёт цикли ўзгариш босқичларининг қуйидаги занжирини ўз ичига олади:

гўдаклик (туғилгандан 18 ойга тўлгунга қадар);

илк болалик (19 ойдан 5 ёшга тўлгунга қадар);

болалик (5-12 ёш);

ўспиринлик (12-15 ёш);

ўсмирлик (16-19 ёш);

ёшлик (20-30 ёш);

ўрта ёш (30-40 ёш);

¹ Ачилов Б.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг айрим жиҳатлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2010. - №3. – Б.83.

² Кетле А. Человек и развитие его способностей. -СПб., 1865. С. 7-8.

³ Кетле А. Человек и развитие его способностей. -СПб., 1865. С. 7-8.

қарилик ва мўйсафидлик¹.

Ҳар бир ёш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар, табиийки, бу ҳол ҳулқ-атворида ҳам намоён бўлади.

Шахс нимани ва қандай билиши (гносеологик салоҳият), нимани ва қандай баҳолаши (аксиологик салоҳият), нимани ва қандай яратиши (ижодий салоҳият), ким билан ва қандай муомала қилиши (коммуникатив салоҳият), бадий эҳтиёжлари қандайлиги ва уларни қандай қондириши (бадий салоҳият) билан белгиланади².

Шундай қилиб, инсон фаолиятининг қуйидаги беш асосий тури фарқланади:

1) ўзгартирувчи фаолият	3) коммуникатив фаолият
2) билиш фаолияти	4) бадий фаолият
5) кадриятларни белгилаш ва мўлжал олиш фаолияти ³ .	

Шахснинг ташқи муҳит билан муносабатга киришиши жуда мураккаб ва қизғин жараёндир. Шу сабабли ҳар қандай одамнинг шаклланиш шарт-шароити ранг-барангдир. Ўз-ўзидан равшанки, ушбу шарт-шароит энг аввало вақт мезони – шахснинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлганлиги боис мазкур

¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет.

² И.Исмоилов, М.Зиёдуллаев, Н.Исроилова, Ф.Азимова. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш.-Т.-2011. –Б 128

³ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет.

жараёни вояга етмаганлар мисолида кузатиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Шу жумладан, девиант хулқли ўсмирлар билан тарбиявий-профилактик тадбирлар олиб бориш, вояга етмаганлар орасида бундай хулқ-атворнинг келиб чиқиши, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур ўрганиш бизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Вояга етмаган(ўсмир)лар иродасининг кучсизлигизлиги ахлоқий нормаларга зид хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келиши мумкин.

Ўсмирларда девиант хулқнинг шаклланиши, бу ҳодисанинг объектив сабабларини ўрганиш жамият, ижтимоий ҳаракатлар ва таълим-тарбия муассасалари олдида улкан вазифа, яъни дезадаптациялашган (хулқ-атвор нормаларидан чекинган) ёшлар билан ишлашда тарбиявий шакл, метод, технологияларни тўғри танлаш, тарбиявий таъсир кучини жамлашни тақозо этади.

Чунки бу давр инсоннинг ривожланишида энг қийин ва мураккаб давр бўлиб, бу ёшдагиларнинг анатомияси ва физиологиясида, интеллектуал, ахлоқий оламида ўзгаришлар рўй беради. Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, уларнинг руҳиятида ҳам акс этиши мумкин. Ўсмирлар тенгдошлари орасида, жамоада ўз ўринларига эга бўлишлари учун **«Мен кимман?»**, **«Мен ўзгалар нигоҳида қандайман?»** каби саволларга жавоб излашга ҳаракат қиладилар¹.

Шахс ривожланишининг ҳар бир босқичига фаолият турларининг муайян ўзаро нисбати ва уларнинг алоҳида мазмуни ҳосдир.

Психологларнинг таъкидлашича, инсон ҳаёти коммуникатив фаолиятнинг шаклланиши ва унинг механизмларини ўзлаштиришдан бошланади.

¹ Абдуллаева Ш.А., Рўзиева Г.А. Девиант хулқли ёшлар билан профилактик тадбирлар олиб бориш йўллари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2011. - №3. – Б.71.

Боланинг ривожланишида янги босқич **3 ёшдан бошланади**. Мазкур босқич ижодий фаолиятга ўтиш билан тавсифланади (*деворга, мебелга расм чизиш ва ҳ.к.*). Бу, айниқса, болаларнинг ўйинларида ёрқин намоён бўлади. Шу даврда боланинг катталарга нисбатан эмансипацияси бошланади. Бу боланинг муайян даражада эркинлашувига ва унда нафақат ўз тенгдошлари, балки катталар билан ҳам мулоқот қилиш эҳтиёжи туғилишига олиб келади.

Инсон ривожланишининг *яна бир босқичи* унинг мактабда ўқиши билан боғлиқ. Бу ерда билиш бола фаолиятининг етакчи турига айланади.

Инсон ривожланишининг *кейинги босқичи* (ўсмирлик)да кадриятларни белгилаш ва мўлжал олиш фаолияти биринчи ўринга чиқади.

кейинги босқич ўзгартириш фаолияти инсон фаолиятининг асосий турига айланиши билан боғлиқ.

Инсон ҳаётидаги *охирги босқич* бошқалар билан мулоқот яна етакчи фаолият турига айланиши билан тавсифланади¹.

Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар шахсининг ривожланиш босқичларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу соҳада тўпланган тажриба вояга етмаганлар муҳитида ҳуқуқбузарликларга имконият яратувчи ҳолатлар шахс жиноий жавобгарликка тўлмасдан турибқ таъсир эта бошлашини кўрсатади.

11-13 ёшлиларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланиш механизмини қуйидагича тавсифлаш мумкин.

Педагогикада «бешинчи синфлар муаммоси» мавжуд.

Бошқа ўзига хос хусусиятларидан ташқари, ушбу ходиса бешинчи синфда ўсмирлар давомати пасайиб кетиши билан тавсифланади.

Давоматнинг пасайиши:

¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет.

- ўсмир ва ўқитувчи;
- ўсмир ва синфдошлар;
- ўсмир билан ота-она ўртасидаги конфликтга сабаб бўлади.

Конфликтлар ўз вақтида ҳал қилинмаса, ўсмир асосий ижтимоий жамоадан **«сиқиб чиқарилади»**. Аммо бу ёшдаги ўсмирнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у якка ўзи яшай олмайди. У ўзига тенгдек қарайдиган тенгдошлари гуруҳини қидиради. Шу тариқа ўсмирларнинг салбий гуруҳлари шаклланади. Бу ерда ўзини намоён қилишнинг мактаб ёки оиладагидан анча фарқ қиладиган усуллари амал қилади. Чекиш, киссавурлик, майда ўғирликлар, психотроп моддалар ёки спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, мактабда жисмонан кучсизларни дўппослаш шулар жумласидандир.

Шахс шаклланишининг мазкур босқичидаги ижтимоий профилактика чоралари юқоридагига ўхшаш конфликтларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар комплексига қаратилиши лозим. Энг самарали йўл барча ижтимоий жамоаларда ўсмирлар ўзини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиб бериш ҳисобланади. Ҳар бир ўсмир нафақат ўқишда, балки спортда, техник ижодда, бадий ҳаваскорликда ва ҳ.к.да ўзини намоён этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ўсмирнинг навбатдаги босқичга **(14-15 ёш)** ўтиши жараёнида бир қанча ўзгаришлар рўй беради. Ушбу босқичда ўзига нисбатан ҳурматга эҳтиёж ўсмирга хос бўлган асосий хусусиятдир. Бунга эришиш учун у эркинликка, мустақилликка, ўз тенгдошларига орасида довруқ таратишга ҳаракат қилади. Натижада у конфликтли ҳолатларга жуда кўп тўқнаш келади. Шу ёшда ўсмирнинг хулқ-атворида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Гарчи мазкур ёш гуруҳининг жиноий фаоллиги **16-17 ёшлиларга** қараганда камроқ (15-20%) бўлса-да, *ушбу ёшда жиноят содир этиш жуда хавфлидир*¹.

¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет.

Ўсмир шаклланишининг ушбу боскичида умумижтимоий профилактика чора-тадбирлари замирида, энг аввало, ахлоқий, маънавий ва меҳнат билан боғлиқ тарбияни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими ётади.

Маълумки, **16-17 ёшда** ўсмирда фаол физиологик ўзгаришлар рўй беради. Шахс ривожланишининг мазкур боскичидаги ўзига хос хусусиятларни тушуниш учун ундаги жинсий, психологик ва социологик ўзгаришларни ўрганиш жуда муҳимдир. Эркинлик ва ижозат чегаралари кенгайган, ижтимоий ва жинсий ривожланиш ўртасидаги тафовут эса тобора катталашиб бораётган ҳозирги даврда бу ҳолат, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу контингентга (улар вояга етмаганлар жиноятларининг 80-85% ни содир этади) деформациялашган ҳуқ-атворнинг мураккаб шакллари ҳосидир.

Шахсининг шаклланиш шарт-шароити унинг ижтимоийлашуви даражаси, яъни одамнинг ижтимоий зарур фазилатларни ўзлаштириш жараёни билан ҳам боғлиқдир. Бу жараён ҳам жудда мураккаб бўлиб, бир қанча боскичлардан иборат:

- 1) муҳитга қўшилиш;
- 2) муайян ижтимоий роллар, функциялар, нормалар, ҳуқуқлар ва бурчларни ўзлаштириш;
- 3) муҳитга қўшилган ҳолга ўсмадан ва унга фаол таъсир кўрсатиш;
- 4) ижтимоий мўлжаллар барқарор тизимининг шаклланиши.

Социология фанида шахсининг ижтимоийлашуви механизми ва соҳалари фарқланади.

Ижтимоийлашув механизми – инсон ижтимоий ахборотни идрок этиши ва ўзлаштиришига ёрдам берувчи воситалардир. Психологлар фикрига кўра,

бундай воситалар қаторига таъсир кўрсатиш, мослаштириш, ишонтириш, тақлид қилиш, бошқариш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва ҳ.к.лар киради¹.

Ижтимоийлашув соҳалари – ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи ижтимоий институтлардир. Бунда макромуҳит (ижтимоий муносабатлар тизими) ва микромуҳит (*оила, мактаб, яқин маиший, оина-оғайнилар муҳити ва бошқа муҳитдаги муносабатлар*) фарқланади².

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда вояга етмаганларнинг жиноий йўлни танлашларига **асосий криминоген омиллар**³ – уларнинг бўш вақтларида назоратсиз қолаётганликлари, улардан маълум бир қисмининг ҳеч жойда ишламасдан ва ўқимасдан юришлари, зўравонликни, жиноий йўл билан бойлик ортиришни, маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи фильмларни томоша қилишлари ҳамда жиноят олами вакилларининг ҳаёт тарзига тақлид қилишлари – таъсир қилмоқда.

Шунингдек, жиноятчи шахсларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

биринчидан, уларнинг содир этган жиноятларнинг турлари ёки хусусиятига кўра таснифлаш бунда: «ўғрилар», «фирибгарлар», «безорилар», «зўравонлар», «порахўрлар» ва ҳ.к.

иккинчидан, жиноят содир этиш мақсади ёки мативларининг хусусиятига кўра таснифлаш бунда: «ғаразгўйлар», «зўравонлар», «сексуаллар», «нуфузлилар» ва ҳ.к.

учунчидан, руҳий соғломлик даражасига кўра таснифлаш бунда: руҳан соғломлар, руҳий касаллик билан чегарадош ҳолатдагилар, психопатлар, руҳий касаллар бўлади.

тўртинчидан, ижтимоий-демографик белгиларига кўра таснифлаш бунда: вояга етмаганлар, шу жумладан ўғил болалар ва қиз болалар, айёллар, мансабдор

¹ Квашис В.Е. Крминальная психология. Москва:Бек. 1999.-С 182.

² Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет.

³ Мухторов Ж.С., Қурбонов Х.Ў. Профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўйича вазифалар // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2011. – Б. 89.

шахслар ва хизматчилар, таълим олувчилар, ишламайдиганлар, илгари судланганлар, тадбиркорлар, зиёлилар, ҳарбий хизматчилар ва ҳ.к.

Айрим чет мамлакатлар криминологиясида жиноятчилар асосан уч гуруҳга ажратилади:

биринчи гуруҳ, тасодифий жиноятчилар;

иккинчи гуруҳ, профессионал жиноятчилар;

учунчи гуруҳ, потенциал жиноятчилар. Ушбу таснифлаш замирида рецидивистларга қарши курашиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва жазо тайинлашда ҳам инобатга олинади.

Шуни айтиш лозимки, ҳар қандай тасниф муайян даражада шартлидир. Зотан таснифлаш учун қандай мақсад кўзланганлигига қараб, жиноятчилар таснифи ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли амалда юқорида кўрсатилган типлардан бирортасига ҳам мос келмайдиган, айтилиши вақтда «аралаш» белгиларга эга бўлган жиноятчилар учраши мумкин.

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР:

1-савол: В.М.Коган жиноятчиликнинг ижтимоий хоссаларини ўрганиб чиқиб, унга қандай таъриф берган?

2-савол: Арманд Морген жиноятга қандай таъриф берган?

3-савол: «муайян макон, минтақада маълум давр ичида содир этилган барча жиноятлар мажмуи кўринишидаги тарихан ўзгарувчан, салбий, объектив ва ижтимоий ҳодисадир» бу нимани таърифи?

4-савол: Вояга етмаганлар жиноятчилиги?

5-савол: Жиноий жавобгарлик ёши?

6-савол: Республикамиздаги жами вояга етмаганларни 14-17 ёшгача тўлганларнинг неча фоизини ташкил этади?

7-савол: Рецидивистларнинг кўпчилиги биринчи жиноятини қачон содир этган?

8-савол: Инсоннинг шахс сифатида шаклланишида қандай омиллар

қатнашади?

9-савол: Жиноятчи шахсларни қандай таснифлаш мумкин?

10-савол: Адолф Кетле жиноятчиликнинг ривожланиш қонуниятларини тушунтиришга ҳаракат қилиб жиноят содир этишга мойиллик одамнинг нималарига боғлиқ бўлади деб фикр билдирган?

3-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УНИНГ САБАБЛАРИ

1 §. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолатини биз вояга етмаганлар жиноятчилигининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари, динамикаси, даражаси ва тузилиши орқали очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ундан олдин, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати тушунчасини аниқлаштириб оламиз.

И.И.Карпец «Жиноятчилик ҳолатига содир этилган жиноятлар ва уларни содир этган шахслар миқдори»¹ деб таъриф берган. Бунга биз қўшиламиз чунки жиноятчиликнинг умумий ҳолатини содир этилган жиноятлар билан бир вақтда уни содир этган жиноятчи шахслар ташкил этади деб ҳисоблаймиз.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги кўрсаткичлари муайян ҳудудда ёки жойда, муайян давр ёки вақтда содир содир этилган жиноятлар миқдоридан келиб чиқади ва ўша ҳудудда ёки жойда яшайдиган аҳолининг вояга етмаган қисмининг сонига нисбатан ҳисобланади.

Бу ўринда профессор Г.А.Аванесов шундай деб ёзади: «Жиноятчилик даражаси муайян ҳудудда содир этилган жиноятлар миқдоридан келиб чиқиб, шу ҳудудда яшайдиган аҳоли сонига нисбатан ҳисобланади». Даража кўрсаткичлари фақат нисбий рақамларда ифодаланади. Жиноятчилик даражасини янада аниқлаштириш учун бутун аҳолини эмас, балки вакиллари амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ жиноят учун жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган ёш гуруҳларинигина ҳисобга олиш зарур².

¹ Карпец И.И. Проблема преступности. – М., 1969. – б 109.

² Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 22-23 бет.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги кўрсаткичлари жиноятчиликнинг етказилган зарар ҳажми ёки миқдори ва хусусияти каби қўшимча кўрсаткичлари ҳам фарқланади¹.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг тузилиши вояга етмаганлар томонидан муайян ҳудудда ёки жойда, муайян давр ёки вақтда содир этилган барча жиноятларнинг турларга ажратилган мажмуидир.

Бу жиноятларнинг турлари жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва ижтимоий-демографик каби белгиларига ажратилади.

Шунингдек, жиноятчилик таркибини оғирлик даражаси (ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир) кўрсаткичлари орқали фарқлаш мумкин.

Бу албатта жиноятчилик таркибини янада аниқлаштиришга хизмат қилади.

Жиноятчилик таркиби жиноят-ҳуқуқий белгиларига кўра бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам ажратилиши мумкин. Булар:

- Ўз.Рес. ЖКнинг Махсус қисми боблари ёки моддалари бўйича;
- айб шакллари бўйича;
- жазонинг хусусияти бўйича;
- иштирокчилик шакли бўйича;
- такрорийлик белгисига кўра;
- субъектнинг ўзига хос хусусиятларига кўра (мисол: вояга етмаганлик).

¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 22 бет.

**Жиноятчилик таркибининг кримнологик белгиларига кўра
ажратилиши:**

- ҳудуд ёки жой белгисига кўра (вилоятлар, шаҳар-туманлар, минтақалар ёки алоҳида объектлар бўйича);
- ҳўжалик юритиш, бошқариш ёки жамият ҳаёти тармоқлари бўйича;
- хусусияти ва мативларига (давлатга қарши, ғаразгўйлик, зўравонлик, экология соҳасидаги, ҳалқаро жиноятлар ва ҳ.к.);
- жиноят содир этилган давр ва вақтига кўра;
- жиноят содир этиш қуроллари ёки воситаларига кўра;
- тарқалганлигига кўра.

**Жиноятчилик таркибининг ижтимоий-демографик белгиларига
кўра ажратилиши:**

- ёши бўйича;
- жинси бўйича;
- маълумоти бўйича;
- касби ва иш билан таъминлаганлиги бўйича;
- оилавий аҳволи бўйича¹ ва ҳ.к.лар бўйича белгиларга ажартиб вояга етмганлар жиноятчилиги таркибини ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Абдурасулова Қ.Р. Кримнология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 28 бет.

Ҳозирга вақтда вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳақида салмоқли статистик маълумотлар тўпланган, уларни таҳлил қилиш методикаси ишлаб чиқилган. Буларнинг барчаси вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолатини, унинг миқдор ва сифат (таркибий ва бошқа) ўзгаришларини аниқ баҳолаш имконини беради.

Жиноятлар статистикасига кўра:

Ўзбекистонда 1990 йилгача жиноят содир этмаган вояга етмаган шахслар ҳар беш йилда ўрта ҳисобда 4-8% га ўшиб борган.

1991 йилдан бу тенденция сезиларли даражада ўзгарди.

1995-1996 йилларда рўйхатга олинган вояга етмаганлар 8% ни ташкил этди.

Таққослаш учун: бу кўрсаткич Россия Федерациясида 20%, Украинада – 16,8%, Озарбайжонда – 18,1, Қозоғистонда – 14,9%, Туркменистонда – 9%, Белоруссияда – 9,8% ни ташкил этган¹.

1998 йилда 50 мингдан ортиқ шахс, жумладан икки мингдан ортиқ вояга етмаганлар жазога ҳукм қилинган, бу кўрсаткич жазо тайинланганлар умумий сонининг 4% га яқинини ташкил этган. 1996 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 51602 жиноятчи, 2023 ўсмир ва 3,9% ни ташкил этган, 50 дан ортиқ вояга етмаган Олий суд томонидан жазога ҳукм қилинган эди.²

¹ Криминология. - Москва: Норма, 2009.-С.558

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йилдаги маълумотлари

Маҳкумлар таркибини кўздан кечирадиган бўлсак, 1998 йилда жиноят содир этган 2000 дан кўпроқ жиноятчи орасида 37 киши ҳаётга қарши жиноятлар учун (ЖК 97-103-моддалари бўйича) жазога ҳукм қилинган (1996 йилда – 10 киши). 50 дан ортиқ киши соғлиққа қарши жиноят содир этган (ЖКнинг 104-111-моддалари). Талончилик учун 150 нафардан ортиқ, босқинчилик учун – 40 дан ортиқ шахс жазога ҳукм қилинган. 160 дан ортиқ вояга етмаганга (бу жами вояга етмаган маҳкумларнинг 8% ни ташкил этади) шартли жазо тайинланган.¹

М У А М М О :

Вояга етмаган жиноятчиларнинг ярмидан кўпроғига озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо белгиланган.

Вояга етмаганлар ўртасидаги аёллар жиноятчилигига оид маълумотлар ҳам диққатга сазовор. 2015 йилда 2148 ўсмирдан 113 киши (5,35%) аёл жинсига мансуб бўлган.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳудудий тақсимланишини ўрганиш криминологик аҳамиятга молик бир қанча тенденцияларни намоён этади.

Статистик кузатиш билан қамраб олинган республика ва унинг вилоятлари ўртасида жиноятчилик даражасида жиддий миқдорий тафовутлар қайд этилади.

Вояга етмаганлар жиноий фаоллигининг энг катта даражаси сўнгги беш йилда Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида энг паст кўрсаткичлар –

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йилдаги маълумотлари.

Жиззах, Хоразм, Навоий, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатилмоқда.

2013-2017 йилларда вояга етмаганлар жиноятчилиги ва вояга етмаганлар жиноятчи шахсига оид маълумотларнинг таҳлилига тўхталадиган бўлсак.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 2013 йилда 2,8 фоиз, 2014 йилда 2,7 фоиз, 2015 йилда 2,4 фоиз, 2016 йилда 2,2 фоиз, 2017 йилда 2,1 фоизни ташкил этган ҳамда сўнгги беш йил давомида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 31,5 фоизга камайган¹.

Шунингдек 2013 йилга нисбатан 2017 йилда содир этилган жами жиноятлар 18,3%га камайган, шундан: вояга етмаганларнинг хиссаси 30,2%га камайган, жиноятларни содир этган шахслар 17,0%га, шундан: вояга етмаганлар 35%га камайган, шундан: мактаб ўқувчилари 10 %га, коллеж ва лицей ўқувчилари 24,5%га камайган, бироқ, мактаб ўқувчилари содир этилган жиноятлар 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 4,0%га ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, вояга етмаганларнинг умумий жиноят содир этган шахслардаги улуши деярли камаймаган бу кўрсаткич 2016 йилда 2,2%, 2017 йилда ҳам 2,2 %ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари томонидан содир этилаётган жиноятлар 2013 йилдан 2017 йилга қадар атига 10 % камайганлигини кўришимиз мумкин².

**Тошкент шаҳар ИИББ томонидан олинган статистик маълумотларига
асосан вояга етмаган шахсларнинг 2014-2018 йиллар давомидаги
ҳуқуқбузарликлар динамикаси, профилактик ҳисобга олиш ҳолати бўйича
маълумоти:**

¹ Холов А.Т. Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг ахборотномаси. – 2018. - №2. – Б. 59-60.

² Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ахборот-таҳлил марказининг 2013-2017 йиллардаги статистик маълумотлари.

1. Профилактик ҳисобда турган вояга етмаган шахслар йилларга нисбатан динамикаси

йил	йилнинг якуни бўйича проф/ҳисобга олинган	(%)	шундан:								шундан ёш бўйича					
			мактаб ўқувчиси	(%)	касб-хунар ўқувчиси	(%)	ўқимайдиган, ишламайдиган	(%)	қиз бола	(%)	7 ёшдан 14 ёшгача	(%)	4 ёшдан 16 ёшгача	(%)	6 ёшдан 18 ёшгача	(%)
2013	806 нафар		366		413		26		164		74		215		517	
2014	753 нафар	6,6	336	8,2	387	6,3	29	+10,4	167	+1,8	120	+38,4	238	+9,7	395	23,6
2015	791 нафар	+4,8	395	+15	383	1,1	13	55,2	152	9,0	111	7,5	280	+15	400	+1,3
2016	715 нафар	9,6	343	13,2	360	6,1	12	7,7	141	7,3	116	+4,4	260	7,2	339	15,3
2017	509 нафар	28,8	248	27,7	247	31,4	14	+14,3	129	8,6	101	13,0	243	6,6	165	51,4
2018	411 нафар	19,3	256	+3,2	149	39,7	6	57,2	110	14,8	63	37,7	161	33,8	187	+11,8

Юқоридаги жадвалга эътибор берилса 2014 йилдан 2018 йилгача профилактик ҳисобда турган вояга етмаган шахсларнинг вертикал динамикаси хар-ҳил бўлиб 2014, 2016, 2017 ва 2018 йилларда сезиларли даражада пасайганлигини кўришимиз мумкин, 2015 йилда (+4,8 фоиз)га ўсганлиги ва бошқа йилларга нисбатан энг кўп вояга етмаган шахсларни профилактик ҳисобга олинганлар сони келиб чиқмоқда.

Уларнинг тоифаларига назар ташласак ҳисобга олинган вояга етмаган шахслар орасида мактаб ўқувчилари салмоқли ўринни эгаллаб 2015 йилда (+15,0 фоиз)га ва 2018 йилда (+3,2 фоиз)га ўсганлигини қолган даврларда эса уларнинг кўрсаткичи пасайганлиги маълум бўлди.

Шу билан бирга касб-хунар таълим муассасаларида ўқийдиган вояга етмаган шахслар қолган тоифаларга нисбатан юқори кўрсаткичга эгалиги билан ажралиб турибди. Аммо уларни ҳисобга олиш йилдан йилга пасайиб келаётганлиги аниқланди. Ундан ташқари, ҳисобга олинган вояга етмаган шахслар орасида ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиганлар 2014 йилда

(+10,4 фоиз)га ва 2017 йилда (+14,3 фоиз)га ошганлигини, қолган йилларда эса 7,7 фоиздан 57,2 фоизгача пасайганлигини кўрсатмоқда.

Учта тоифа орасида мактаб ўқувчиси ва касб-хунар таълим муассасаси ўқувчилари профилактик ҳисобга олиш даражаси сон жиҳатдан кўплиги билан ажралиб туради.

Профилактик ҳисобга олинган вояга етмаган шахслар орасида қиз болалар 2014 йилда (+1,8 фоиз)га ошганлигини ва бу йилда ҳисобга олинган қиз болалар қолган даврларга нисбатан юқорилиги билан ажралиб турибди. Қолган йилларда ҳисобга олинган қиз болалар 7.3 фоиздан 14,8 фоизга камайишга эришилганлиги аниқланди.

Профилактик ҳисобга олинган вояга етмаган шахсларнинг ёши таҳлил қилинганда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган шахслар 2014 йилда (+38,4 фоиз)га, 2016 йилда (+4,4 фоиз)га, 14 ёшдан 16 ёшгача 2014 йилда (+9,7 фоиз)га, 2015 йилда (+15,0 фоиз)га ва 16 ёшдан 18 ёшгача 2015 йилда (+1,3 фоиз)га, 2018 йилда (+11,8 фоиз)га ошганлигини кўрсатмоқда. Қолган давирларда ушбу ёш тенденцияси пасайганлиги аниқланди. Аммо ажратилган ёшлар орасида 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар профилактик ҳисобга олинганлар қолган ёшга нисбатан сон жиҳатдан кўплиги балан ажралиб туради.

2. Профилактик ҳисобда турган вояга етмаган шахсларнинг тоифаларини 2014-2018 йиллар бўйича таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

т/р	Профилактик ҳисобда турган шахсларнинг тоифалари	2014 йилда жами 753 нафар	2015 йилда жами 791 нафар	2016 йилда жами 715 нафар	2017 йилда жами 509 нафар	2018 йилда жами 411 нафар
		шундан фоиз (%) кўринишида:				
1.	мактаб ўқувчиси	44,6 %	49,9 %	47,9 %	48,7 %	62,2 %
2.	коллеж ўқувчиси	51,4 %	48,4 %	50,3 %	48,5 %	36,2 %
3.	ўқимайдиган ва ишламайдиган	3,8 %	1,6 %	1,6 %	2,7 %	1,4 %
4.	<i>шулардан:</i> қиз бола	22,1 %	19,2 %	19,7 %	25,3 %	26,7 %

Профилактик ҳисобда турган вояга етмаган шахсларни йиллар бўйича таҳлил қилинганда мактаб ўқувчиси профилактик ҳисобга олиш йилдан йилга кўпайиб бораётганлигини ва бу 2017 йилдан 2018 йилга нисбатан 13,5 фоизга ошганлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса мактаб ўқувчилари томонидан ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилганлиги учун профилактик ҳисобга олиш даражаси ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

Кейинги тоифа бу касб-ҳунар таълим муассасаларининг ўқувчилари ҳисобланиб, уларнинг кўрсаткичи йилдан йилга тушиб бормоқда. Аммо қолган тоифаларга нисбатан кўрсаткичи баландлиги билан ажралиб турибди.

Профилактик ҳисобга олинган вояга етмаган шахслар орасида қиз болалар борлиги аниқланиб, уларнинг кўрсаткичи йилдан йилга кўтарилиб бормоқда. Мисол учун 2014 йилда 22,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 26,7 фоизгача кўтарилган. Демак қиз болалар орасида юзага келаётган ғайри ижтимоий мунособатлар ва хатти-ҳаракатлар ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

3. Вояга етмаган шахсларни профилактик ҳисобга олиш асослари 2014-2018 йиллар бўйича ўрганилганда қуйидаги маълумотлар аниқланди:

Йил	асосларнинг жами сони	профилактик ҳисобга олиш асослари шундан:									
		маълумотлар хукукбузарлик содир	(%)	жиноят содир қилганлиги	(%)	спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги	(%)	ўқув-тарбия муассасадан ўзбошимчалик билан мунтазам равишда кетиб	(%)	токсикоман ва гиёҳванд моддаларини истеъмол	(%)
2014	750 та	373	49,7	250	33,3	5	0,6	110	14,6	12	1,6
2015	791 та	402	50,8	271	34,2	3	0,3	100	12,6	15	1,9
2016	714 та	426	59,6	200	28,0	-	-	73	10,2	15	2,1
2017	509 та	286	56,1	166	32,6	1	0,2	43	8,4	13	2,5
2018	411 та	263	63,9	94	22,8	6	1,4	43	10,4	5	1,2

Статистик маълумотларни горизонтал тарзда ўрганилганда қуйидаги бешта асос таҳлил қилинди. Унга кўра вояга етмаган шахслар 2014 йилда 49,7 фоизни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги учун олинган, 33,3 фоизни жиноят содир қилганлиги учун олинган, 14,6 фоизни оиласидан, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасадан ўзбошимчалик билан мунтзам равишда кетиб қолганлар ва бошқа сабаблар учун олинган, 1,6 фоизни токсикоман ва гиёҳванд моддаларини истеъмол қилганлиги учун олинган, 0,6 фоизни спиртли ичимлик истемол қилганлиги учун профилактик ҳисобга олинган.

2018 йилда 50,8 фоизни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги учун олинган, 34,2 фоизни жиноят содир қилганлиги учун олинган, 12,6 фоизни оиласидан, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасадан ўзбошимчалик билан мунтзам равишда кетиб қолганлар ва бошқа сабаблар учун олинган, 1,9 фоизни токсикоман ва гиёҳванд моддаларини истеъмол қилганлиги учун олинган, 0,3 фоизни спиртли ичимлик истемол қилганлиги учун профилактик ҳисобга олинган.

Келтириб ўтилган асослар орасида энг кўп маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир қилганлиги учун профилактик ҳисобга олинган, шунингдек ўрганиш давомида йилдан йилга маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этувчи вояга етмаган шахсларнинг сони камайиб бораётган бўлсада, лекин бошқа тоифаларга нисбатан фоизи ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин, мисол учун 2014 йилда профилактик ҳисобга олинганлар 49,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 63,9 фоизга эга бўлди. Бу эса профилактик ҳисобга олинувчи вояга етмаган шахсларнинг яримидан кўпи маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги сабабли профилактик ҳисобга олинаётганлиги аниқланмоқда.

4. 2014-2018 йиллар давомида вояга етмаган шахслар томонидан

жиноят қидирув соҳасида содир этилган жиноятлар динамикаси

йил	жиноят сони	(%)	жиноят қидирув соҳасида шундан:																	
			қолдан одам ўлдириш	%	оғир тан жароҳат	%	номусга тегиш	%	босқинчилик	%	талончилик	%	безорилик	%	ўғирлик	%	гиёҳвандлик	%	бошқа жиноятлар	%
2013	628		1		15		2		51		113		152		195		10		89	
2014	500	20,4	3	+66,7	7	53,4	1	50	32	37,3	50	55,8	135	11,2	182	6,7	7	30,0	83	6,8
2015	374	25,2	1	66,7	14	+50	0	100	41	+22,0	39	22,0	73	46,0	145	20,4	9	+22,3	52	37,4
2016	298	20,4	4	+75	12	14,3	4	400	10	75,6	36	7,7	54	26,1	112	22,8	7	22,3	59	+11,9
2017	278	6,8	5	+20	14	+14,3	1	75,0	34	+70,6	23	36,2	38	29,7	115	+2,6	10	+30,0	38	35,6
2018	136	51,1	1	80,0	3	78,6	1	-	7	79,5	9	60,9	25	34,3	68	40,9	7	30,0	15	60,6

Тошкент шаҳар ҳудудида вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларни статистикаси таҳлил қилинганда 2014 йилдан 2018 йилларда содир этилган жиноятларнинг сони ўзгарувчан бўлиб айрим даврларда аниқ турдаги жиноятларнинг турлари ошганлигини ва айрим турдаги жиноятлар эса йилдан йилга ўтиб пасайганлигини кўришимиз мумкин.

Айрим турдаги жиноят турларига назар ташласак қуйидаги жиноятлар ўрганилган йиллар орасида фоиз жиҳатдан ажралиб турганларини аниқланди. Мисол учун, ЖКнинг 97-моддаси (*қасддан одам ўлдириш*) жинояти 2014 йилда (+66,7 фоиз)га, 2016 йилда (+75,0 фоиз)га ва 2017 йилда (+20,0 фоиз)га ошган, 104-моддаси (*оғир тан жароҳати етказиш*) жинояти 2015 йилда (+50,0 фоиз)га, 2017 йилда (+14,3 фоиз)га ошган, 118-моддаси (*номусга тегиш*) жинояти 2016 йилда (+400 фоиз)га ошган, 164-моддаси (*босқинчилик*) жинояти 2015 йилда (+22,0 фоиз)га, 2017 йилда (+70,6 фоиз)га ва 169-моддаси (*ўғирлик*) жинояти 2017 йилда (+2,6 фоиз)га ошган. Ундан ташқари гиёҳвандлик жинояти 2015 йилда (+22,3 фоиз)га, 2017 йилда (+30,0 фоиз)га ҳамда бошқа жиноятлар 2016 йилда (+11,9 фоиз)га ошганлиги маълум бўлди.

Ўрганиш давомида Тошкент шаҳар ҳудудида вояга етмаган шахслар томонидан ўғирлик ва безорилик жиноятларни содир этиш ҳолати бошқа турдаги жиноятларга нисбатан юқорилиги билан ажралиб турибди.

5. Вояга етмаган шахслар томонидан жиноят қидирув соҳасида содир

этилган жиноятлар горизонтал динамикаси

Йил	жиноят сони	жиноят қидирув соҳасида шундан:																	
		қасддан одам ўлгани	%	ўғир тан жароҳат	%	номусга тегиш	%	босқинчилик	%	талончилик	%	безорилик	%	ўғирлик	%	гиёҳвандлик	%	бошқа жиноятлар	%
2014	500	3	0,6	7	1,4	1	0,2	32	6,4	50	10,0	135	27,0	182	36,4	7	1,4	83	16,6
2015	374	1	0,2	14	3,7	0	0	41	10,9	39	10,4	73	19,5	145	38,7	9	2,4	52	13,9
2016	298	4	1,3	12	4,0	4	1,3	10	3,3	36	12,0	54	18,1	112	37,5	7	2,3	59	19,7
2017	278	5	1,8	14	5,0	1	0,3	34	12,2	23	8,2	38	13,6	115	41,3	10	3,6	38	13,6
2018	136	1	0,7	3	2,2	1	0,7	7	5,1	9	6,6	25	18,3	68	50,0	7	5,1	15	11,0

Тошкент шаҳрида вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноят турларини горизонтал тарзда таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди. Жумладан:

Барча йилларда ўғирлик жинояти юқори кўрсаткичга эга бўлиб 36,4 фоиздан 50,0 фоизни қамраб олган, ундан кейин безорилик жинояти ташкил қилиб 2014-2018 йилларда 27,0 фоиздан 18,3 фоизгача иборат, бошқа жиноятлар 16,6 фоиздан 11,0 фоизни қамраган, кейинги ўринда талончилик жинояти 10,0 фоиздан 6,6 фоизни кўрсатмоқда.

Шу билан бирга айрим турдаги жиноятлар бошқа йилларга нисбатан фоиз жиҳатдан ажралиб турганлиги аниқланди. Бу босқинчилик жинояти 2015 йилда 10,9 фоизни ва 2017 йилда 12,2 фоизни ташкил қилмоқда.

Демак вояга етмаган шахслар томонидан жиноят қидирув соҳасида беш йиллиги шуни кўрсатмоқда, яъни ўғирлик, безорилик, талончилик, босқинчилик жиноятларни содир этиш ҳолати кўп учраётганлигини маълум бўлмоқда.

**6. Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг бандлик даражаси
бўйича таснифи қуйидагича:**

йил	Вояга етмаган шахслар сони	шундан тоифалари:								
		мактаб ўқувчиси	касб-хунар ўқувчиси	олий таълим талабаси	ўқимайдиган ва ишлайдиганлар	проф/ҳисобда туриб	гиёҳванд моддалари	маст холда	мукаддам судланган	
2014	522 нафар	131	301	0	49	19	20	0	2	20
2015	402 нафар	90	226	0	49	9	25	0	3	25
2016	310 нафар	65	187	2	39	5	9	0	3	9
2017	286 нафар	62	172	0	0	44	5	0	3	5
2018	137 нафар	39	51	0	25	21	1	0	0	0

Вояга етмаган шахслар томонидан жиноят содир этиш ҳолати статистикаси вертикал ўрганилганда йилдан йилга камайиб бораётганлиги кўрилмоқда мисол учун, 2014 йилда 522 нафар вояга етмаган шахслар томонидан жиноят содир этилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 73,8 фоизга (137 нафар)ни ташкил қилиб вояга етмаган шахслар томонидан жиноятларни содир қилиш ҳолати пасайган. Ўрганилган барча тоифаларнинг жиноят содир этиш ҳолати пасайган бўлса-да, аммо улар орасида касб-хунар таълим муассасаси ўқувчиси, мактаб ўқувчиси, ўқимайдиган ва ишламайдиган вояга етмаган шахсларнинг салмоғи бошқа тоифаларга нисбатан юқорилиги билан ажралиб турибди.

Бундан ташқари профилактик ҳисобда турган муқаддам судланган вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари таҳлилига кўра, 2014 йилда (+5,0 фоиз)га, 2015 йилда (+20,0 фоиз)га ошганлиги аниқланди, қолган йилларда уларнинг улуши камайиб 2018 йилда эса муқаддам судланган вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳолати кузатилмаган.

**7. Жиноят содир қилган вояга етмаган шахсларнинг тоифаларини
2014-2018 йиллар бўйича таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди.**

т/р	Вояга етмаган шахсларнинг тоифалари	2014 йилда жами 522 нафар	2015 йилда жами 402 нафар	2016 йилда жами 310 нафар	2017 йилда жами 286 нафар	2018 йилда жами 137 нафар
жиноят содир қилган вояга етмаган		шундан фоиз (%) кўринишида:				
1.	мактаб ўқувчиси	25,1 %	22,3 %	20,9 %	21,6 %	28,4 %
2.	коллеж ўқувчиси	57,6 %	56,2 %	60,3 %	60,1 %	37,2 %
3.	олий таълим талабаси	-	-	0,6 %	-	-
4.	ўқимайдиган ва ишламайдиган	9,3 %	12,1 %	12,5 %	0	18,2 %
5.	ишлайдиганлар	3,6 %	2,2 %	1,6 %	15,3 %	15,3 %
6.	проф/ҳисобда туриб жиноят с.қ	3,8 %	6,2 %	2,9 %	1,7 %	0,7 %
7.	гиёҳванд модда таъсири остида	-	-	-	-	-
8.	маст ҳолда жиноят содир қил.	0,3 %	0,7 %	0,9 %	1,0 %	0

Кўрсатилган жадвалда кўриниб турибдики вояга етмаган шахсларнинг тоифалари томонидан содир қилинган жиноятлар йилдан йилга ўзгарувчан ҳолатда келмоқда. Уларнинг ҳар бирини таҳлил қилинганда, мактаб ўқувчисининг ҳиссаси қолган тоифаларга нисбатан иккинчи ўринда бўлиб, 20,9 фоиздан 28,4 фоизгача ташкил қилмоқда. Бу кўрсаткич йилдан йилга кўтарилиб бормоқда. Биринчи ўринда касб-хунар таълим муассасаларнинг ўқувчилари эгаллаган, уларнинг жиноятни содир этишдаги ҳиссаси 57,6 фоиздан 37,2 фоизгача ташкил қилади. Бу эса қолган тоифадаги вояга етмаган шахсларга нисбатан энг юқорилигини кўрсатмоқда. Учунчи ўринда ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган вояга етмаган шахслар ҳисобланиб, улар 9,3 фоиздан 18,2 фоизгача ташкил қилади. Бу кўрсаткич йилдан йилга кўтарилиб борганлигини кузатишимиз мумкин. Кейинги ўринда ишлайдиган вояга

етмаган шахслар бўлиб биринчи уч йилликда уларнинг ҳиссаси 3,6 фоиздан 1,6 фоизга тушган бўлса, кейинги икки йилда яний, 2017-2018 йилларда 15,3 фоизга кўтарилган. Бу эса ишлайдиган вояга етмаган шахслар томонидан жиноят содир этиш ҳолати ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, профилактик ҳисобда туриб жиноят содир қилган вояга етмаган шахслар 3,8 фоиздан 0,7 фоизга тушган бўлса, уларнинг кўпчилиги илгари судланган вояга етмаган шахсларни ташкил қилиб, такрор жиноят содир қилишга йўл қўйган. Бу эса профилактик ҳисобда турган вояга етмаган шахслар билан профилактик ишларни етарли даражада олиб борилмаганлигидан далолат бермоқда. Охирги ўринда маст ҳолда жиноят содир қилган вояга етмаган шахсларга тегишли бўлиб, уларнинг ҳиссаси 2014 йилдан 2017 йилларда 0,3 фоиздан 1,0 фоизга ошган, 2018 йилда эса умуман маст ҳолатда жиноят содир қилинмаганлиги маълум бўлди.

Криминологлар вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси билан минтақани тавсифловчи вояга етмаганлар умумий сони ва улуши; ишламайдиган ва ўқимайдиган меҳнатга лаёқатли вояга етмаганлар улуши; судланганлар, маиший ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар (пиёнисталар, безорилар ва ҳ.к.) улуши; ҳар хил тиббий рўйхатларда турувчи шахслар (алкоголизм, гиёҳвандлик касалликларига чалинганлар, руҳий касаллар ва б.) улуши каби кўрсаткичлар ўртасида изчил боғланиш мавжудлигини аниқлаганлар.¹

Вояга етмаганлар жиноятчилигидаги минтақавий фарқлар ва бузилган оилалар ўртасида узвий алоқа мавжудлиги аниқланган. Айни шу кўрсаткичга кўра ўсмирлар жиноятчилигининг энг кам ва энг катта даражаси қайд этилган минтақалар билан ажрашган эр-хотинлар сонига кўра ўхшаш минтақаларнинг деярли тўлиқ мос келиши кузатилади⁷. Бу вояга етмаганлар билан тарбия-

¹ Криминология.- Алматы: Международный центр научных исследований и правовой экспертизы Р.К. 2008.-С 379.

² Опыт длящегося криминологического изучения личности во взаимодействии с социальной средой. – М., 1992; Жигарев Е.С. Административная ответственность несовершеннолетних: понятие, виды и её профилактика. – М., 1992 ва б.

профилактика ишларининг устувор йўналишларини белгилашда оиладаги беқарорликка бош мезон сифатида қараш кераклигини кўрсатади.

Криминологияда вояга етмаганлар жиноятчилигини таркибий таҳлил қилиш айниқса кенг тарқалган. У қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, безорилик каби жиноятлар бўйича ўтказилади.

Вояга етмаган жиноятчиларнинг шахсий хусусиятлари ҳам диққатга сазовор. Мазкур тоифага мансуб жиноятчилар орасида доимий даромад манбаига эга бўлмаган (ишламайдиган ва ўқимайдиган), яъни уюшмаганлар кўпчилиқни ташкил этишини деярли барча тадқиқотчилар қайд этадилар.

2 §. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, шунингдек, вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Криминологик тадқиқотларда вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларнинг жиҳатларига турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Бу борада бирқанча олимларнинг олиб борган илмий изланишларига қарамай, вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни таҳлили билан боғлиқ муаммолар ҳали етарлича ўрганлимаган ва олдини олиш чора-тадбирлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Буни юқоридаги вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар таҳлилидан ҳам кўришимиз мумкин.

Жиноят сабаблари нима-ю? унинг омиллари деганда нимани тушуниш лозим? деган масала бизнинг криминологик адабиётларимизда, афсуски, ҳанузгача аниқ ҳал қилинмаган. Аксарият ҳолларда бу тушунчалар адаштирилади ёки бир-бирига тенглаштирилади. Айтилган ҳолатлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг сабаблари ва омиллари муаммосига ҳам тааллуқли. Ушбу масалага оид турли ёндашувлар мавжуд.

Айрим олимлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабабларига: яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири; ўқишни ташлаб кетган ўсмирлар узоқ вақт муайян иш билан шуғулланмаслик; ўсмирнинг нотўғри тарбияланишини белгиловчи шарт-шароит омиллари; ёши катталарнинг жиноятга далолат қилиши; зўравонлик ва қонунга риоя қилмасликни тарғиб этувчи китоблар ва фильмлар таъсирини киритадилар. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг омиллари сифатида: назоратсизлик; умумий таълим

мактаблари ва коллежларда таълим-тарбия ишларида мавжуд камчиликлар; ишга жойлаштиришда ҳамда ишлаб чиқаришда тарбия ишларини ташкил этишда мавжуд камчиликлар; маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар; вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда унга қарши бевосита кураш олиб бориш вазифалари зиммасига юкланган органлар фаолиятидаги камчиликлар кўрсатилган.

Айримлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабабларига: ўсмирнинг кайфияти ва руҳиятига таъсир кўрсатувчи ҳаётдаги муваффақиятсизликлар; маънавий ва ахлоқий мўлжалларнинг бекарорлиги; шахслар жиноий гуруҳи билан яқин алоқада бўлиш ёки муайян шароитда уларнинг ўсмирга салбий таъсири; руҳиятининг айрим хусусиятлари; оила ёки жамоадаги ноқулай шарт-шароитлар¹ни ҳам киритадилар.

С.С.Остроумов ва Н.Ф.Кузнецова фикрига кўра, оиладаги тарбияда йўл қўйилган хатолар ҳуқуқбузарликлар содир этишнинг сабаблари эмас, балки омилларидир. И.И.Карпец назоратсизликка ичкиликбозлик билан бир қаторда жиноятга шарт-шароит яратувчи омил² сифатида қарайди.

Аксарият олимлар ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларига криминологик нуқтаи назардан ёндошиб шахс онгида мавжуд бўлган ғайриижтимоий ҳуқ-атвор ҳуқуқбузарликнинг сабаби сифатида гавдаланса, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги муайян ижтимоий муҳит ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имкон яратган шарт-шароит ҳисобланишини билдирган. Шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишлари ва жамоатчилик назоратининг етарли эмаслиги бу “сабаб” эмас аксинча “шароит” эканлигини айтади.

Шу билан бирга яна бир фикр ўртага ташланган бу ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи сабаб бўлса-ю, аммо шароит бўлмаса ёки аксинча шароит бор, сабаб йўқ бўлса, унда ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳуқуқбузарлик юз бермаслиги келтириб ўтилган. Биз бу фикрга қисман қўшилаемиз бироқ сабаб

¹Нарикбаев М.С. Охрана детства в Республике Казахстан.- Москва: Норма, 2005.-С 268.

² Кузнецова Н.Ф. Проблема криминологической детерминации. - Москва: Норма, 1984.-С 69.

бўлиб шароит бўлмаса ҳам сабаб шароитни излайди ва охир оқибат жиноят содир этилади, агарда шароит бўлиб сабаб бўлмаса шароит сабабни кидирмайди ва жиноят содир этилмайди деб ўйлаймиз.

Чунки сабаб шарт-шароитни ҳаракатга айлантирувчи фаол асосдир, сабабларни фақат унинг оқибати орқали тушуниш мумкин ёки аксинча, оқибатнинг табиатини фақат унинг сабаби орқали аниқлаш мумкин, чунки улар бир-бирини тақозо этади .

Ушбу фикрни фалсафада ҳам сабаб ва оқибат – оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг бир-бири билан алоқадорлиги, таъсири ва акс таъсирини, воқеаликка хос ана шундай муносабатлар жараёнидаги сабаб ва оқибат боғланишини ифодалайдиган катигориялардир дейилган. Бинобарин, сабаб оламни ҳаракати ва бирон-бир вақт доирасида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодисани англатади. Оқибат эса ҳодисалар занжирида сабабнинг таъсиридан вужудга келадиган янги ҳодисадир, сабабнинг натижасидир. Ҳар бир сабаб муайян оқибатни келтириб чиқариши учун, албатта, маълум шарт-шароит зарур бўлади. Лекин, шарт-шароит оқибатнинг сабабини англатмайди. Шарт – шароит – муайян оқибат туғилишига таъсир кўрсатувчи ҳолат бўлиб, асабабни оқибатга айланишида ўзига хос роль ўйнайди. Сабабсиз ёлғиз шарт-шароитнинг ўзи оқибатни келтириб чиқармайди¹ деб берилганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва омиллари тушунчалари диалектика категорияларининг муайян кўринишлари ҳисобланади. Демак, «сабаб» ва «омил» фалсафий категорияларини тушуниб етмасдан криминологияда уларни илмий талқин қилиш ва қўллаш мумкин эмас.

Арастунинг фикрича, дунёда тўрт хил сабаб бордир:

1) моддий сабаб ёки материя (масалан, уй бунёд этиш учун зарур бўлган қурилиш материаллари);

¹ Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: кНазаров). – Т., «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005. –384 б. Б. 180-181.

- 2) шакли сабаб ёки шакл (уй тузилиши);
- 3) вужудга келтирувчи сабаб (уй қурувчи бинокорлик санъати);
- 4) сўнгги сабаб ёки мақсад (битказилган бино).

Абу Наср Форобий ягона борликни 6 босқичдан иборат деб ҳисоблаган: «1-илк сабаб (сабаби-аввал) – худо; 2-сабаб - (сабаби-соний) – самовий жисмлар борлиғи; 3-сабаб – фаол ақл (ал-ақл ал-фаол); 4-сабаб – жон (ан-нафс); 5-сабаб – шакл (ас-сурат); 6-сабаб – модда (ал-модда)». Бу босқичлар бир-бири билан сабабий боғланган бўлиб, улар барча мавжудликнинг бошланғичи ҳисобланади.

Сабабий алоқалар – детерминация ижтимоий муносабатларнинг турларидан биридир. Детерминация – бу воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги бўлиб, бунда бир ҳодисанинг юзага келиши бошқа ҳодисалар билан белгиланади. Детерминация бир томондан белгиловчи омиллар (детерминантлар)ни назарда тутса, бошқа томондан – белгиланган натижа (ҳосила)ни назарда тутади.¹

Фалсафий адабиётларда детерминация жараёнининг: 1) шарт-шароит; 2) фаолият; 3) ҳаракат (оқибат, натижа)дан иборат таркибий қисмлари фарқланади².

Қандай қилиб имконият борлиққа айланади, ниманинг таъсирида ҳаракат (оқибат) пайдо бўлади? Детерминация жараёнининг мазкур элементига хос бўлган фаолият – сабаб туфайли оқибат рўй беради.

Демак, сабаб шарт-шароитни ҳаракатга келтирувчи фаол асосдир. Сабабни фақат унинг оқибати орқали тушуниш мумкин ва аксинча, оқибатнинг табиатини фақат унинг сабаби орқали аниқлаш мумкин, чунки улар бир-бирини тақозо этади³.

Вояга етмаганлар жинойтчилиги сабабларини аниқлашда микромуҳитни ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки шахснинг хулқ-атвори, унинг

¹ Парнюк М.А. Принцип детерминизма в системе материалистической диалектики. – Киев, 1972. – 93-б.

² Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 158 бет.

³ Гегель Г.Ф. Работы разных лет: В 2-х т. – М., 1973. Т. 2. – 107-б.

шаклланиши оилага, унинг дўстлари, танишлари, қўшилари, мактаб ва ҳ.к. муҳитига кўп жихатдан боғлиқ бўлади.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги катталар жиноятчилиги билан бир хил сабабларга эга, бироқ уларнинг вояга етмаганлар жиноятчилигига таъсир кўрсатиш механизми анча фарқ қилади. Бу сабаблар шахснинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Мазкур сабаблар тарбиянинг ташкилий ва стихияли жихатларни, тарбияга тегишли ижтимоий амалиётининг таъсирини ҳам қамраб олади¹.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва шарт-шароитларни субъектив ва объектив томондан ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг субъектив сабаблари ва шарт-шароитлар вояга етмаган шахснинг ўз шахси билан боғлиқ ходисалардир объектив сабаблари ва шарт-шароитлар эса вояга етмаган шахснинг ўз шахсидан ташқари муҳитнинг салбий таъсирида кўришимиз мумкин.

Жумладан, вояга етмаганлар жиноятчилигининг субъектив сабабларига вояга етмаган шахснинг дунёқараши ва маънавий олами, қизиқиши ва эҳтиёжлари, қадриятлари ва ҳаётий режалари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти, турмуш тарзи, мақсади ва йўналишлари, мотивлари киради.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг субъектив шарт-шароитларига эса демографик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари хусусан, характери, темпераменти, ёши, жинси, маълумоти, соғлиги (ногиронлик), муомилага лаёқатлиги шунингдек, вояга етмаган шахснинг ўзи жиноят содир этиши учун ўзига маъқул бўлган шарт-шароитни яратиш киради.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг объектив сабабларига оиладаги носоғлом муҳит, жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий беқарорлик, оиладан ташқари муҳитнинг (мактаб, маҳалла, кичик гуруҳлар), криминоген ҳудуднинг, шунингдек оммавий ахборот воситалари(интернет, ижтимоий тармоқлар)нинг слабий таъсири киради.

¹ Долгова А.И. Социально-психологические аспекты преступности несовершеннолетних. – М., 1981. – 35-б.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг объектив шарт-шароитлари эса, давлатдаги бошқарув тизимидаги камчиликлар, қонун ва қоидаларнинг талабга жавоб бермаслиги, вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактикасини амалга оширувчи ва ташкил этувчи субъектларнинг ўз вазифаларига маъсулиятсизлиги ва бепарволиги, шунингдек жиноятдан жабрланувчи шахснинг ўзи жиноят содир этилишига салабий хулқ-атвори ва турмуш тарзи билан шарт-шароит яратишидан иборатдир.

Жиноятчилик ҳулқининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш энг аввало у юзага келган ижтимоий муҳит хусусиятларини ўрганиб чиқишини тақозо қилади. Чунки жиноятчилик ҳулқи, умумий кўринишида оладиган бўлсак демак у бирор бир шахсга хос бўлган субъектив ҳулқ атвор натижаси эмас, балки субъектив ва объектив жараёнлар, шарт-шароитлар, муносабатлар натижаси сифатида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда ижтимоий жараёнларнинг индивидуал ҳатти-ҳаракатларга таъсири масаласига ойдинлик киритиш зарур бўлади¹.

Вояга етмаганларнинг жиноят содир этиши, турли салбий таъсирларга берилиши ҳар қандай жамиятда, хатто ривожланган давлатларда ҳам энг катта муаммодир. Чунки, ҳали ўзини тўла бошқара олмайдиган, содир этган ҳатти-ҳаракатининг моҳиятини тушуниб етмайдиган бола атроф-муҳит, ижтимоий воқелик таъсирида ҳуқуқбузарликлар содир этиши, оғир жиноятларга қўл уриши мумкин.

Вояга етмаганлар шу даврда ёмон тарбияланса ёки уларга турли салбий ижтимоий иллатлар ўз таъсирини ўтказса, ушбу камчиликлар уларнинг келгуси ҳаётига ҳам таъсир этади. Криминологик тадқиқотларда шахс жиноий фаолият йўлига қанча эрта кирса, бу фаолият шунча узоқ давом этиши ва хавфлироқ тус олиши кўрсатилади. Бир неча марта рецидив жиноят содир этган шахсларнинг аксарияти биринчи жиноятини вояга етмасидан содир этган. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг келиб чиқишига кўмаклашувчи асосий омил

¹ Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари: монография. – Т.: ТДЖТУ, 2008. – 214 б. Б – 140.

урбанизация ёки бошқа демографик жараёнлар эмас, балки аввало оила, мактаб, меҳнат жамоаси ва оила турмушдаги тарбиянинг камчиликларидир.

М.К. Утениязов¹ вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг илдиэларини энг аввало оилавий тарбиядаги ўзгаришлардан қидириш кераклигини айтиб ушбу фикрни тасдиқлайди.

Шунингдек, С.С.Остроумов ва Н.Ф.Кузнецовалар оиладаги тарбияда йўл қўйилган хатолар жиноятчиликнинг юзага келишидаги сабаблар эмас, балки уларга имкон берган шарт-шароитлардир деб фикр билдирганлар². Бизнинг фикримизча, оиладаги бола тарбиясидаги камчиликлар бу сабаблар хисобланади, чунки шароит сабабни келтириб чиқармайди сабаб шароитни келтириб чиқаради, демак сабабдан шароит келиб чиқади. Шароит жиноят содир этилишига қўмаклашади.

Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига эътиборсизлиги, ўз фарзандининг тарбиясини бировларга ишонишлари ҳам салбий ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда айрим ота-оналар катта орзу-ҳаваслар билан, яъни фарзандини яхшироқ моддий таъминлаш, тўйини бошқаларникидан кўра дабдабали ўтказиш, сарполарини бекаму-кўст қилиш ниятида боласини қари ота-онасига, қариндоши ёки таниш-билиш, қўни-қўшнисига ташлаб, ўзлари бошқа юртга ишлаб, пул топиб келиш учун кетаётганлиги ҳам бор гап.

Бугунги кунда жиноят содир этиб, жазо ўтаётган вояга етмаганларнинг аксарияти, аниқроқ айтганда, 70 фоиздан кўпроғи ажрашган ёки бошқа юртга ишлаш учун оила бағридан узоқ муддат четга чиқиб кетган ота-она фарзандлари экани ҳам ушбу фикр-мулоҳазаларимизни тасдиқлаб турибди³.

Мисол сифатида, Бухоро шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Пробация хизмати томонидан 2019 йил 09 январь куни очилган 7/19-сонли йиғма жилд юритилган суднинг ҳукми ўрганилганда вояга етмаган коллеж ўқувчиси И. исмли шахс 2018 йилнинг март

¹ Утениязов М.К. Вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг олдини олиш муаммолари. Диссертация. Юридик фанлар номзоди. – Т., 2004 й. 164 б.

² С.С.Остроумов ва Н.Ф.Кузнецовалар

³ Ёдгоров Х., Ўзбекистон Республикаси Олий суд раисининг ўринбосари, Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси / Вояга етмаган болалар нега жиноят содир этмоқда? kun.uz / Жамият: 02.03.2018.

ойида ўғирлик жиноятини содир этганлиги учун суд унга Ўз.Рес. ЖКнинг 196-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб уни Ўз.Рес. ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган. Шундан сўнг вояга етмаган И. 2018 йилнинг ноябрь ойида яна қайта ўғирлик жиноятини содир этиб Ўз.Рес.ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми билан жиноятда айбдор деб топилиб унга нисбатан 1 йилу 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси қўлланилган. Ушбу вояга етмаган шахс жазони ўташ вақтида ҳам 2019 йилнинг апрель ойида яна қайта ўғирлик жиноятини содир этган. Вояга етмаган И.нинг онаси 2005 йилда вафот этганлиги отаси эса 2006 йилда Россия Федерациясига ишлаш учун узоқ муддатга кетиб вояга етмаган фарзанди И.ни катта отасига боқиш ва тарбиялаш учун қолдириб кетади. Вояга етмаган И.ни отаси унинг тарбияси билан умуман шуғулланмасдан, ҳатто ҳолидан ҳам умуман хабар олмаслиги сабабли ёши катта бобосининг қўлида тарбияланаётганлиги, катта отаси вояга етмаган И.ни тарбиясига таъсир ўтказа олмаётганлиги сабабли вояга етмаган И. бир неча марта ўғирлик жиноятини содир этганлиги аниқланган. Ушбу вояга етмаган И. исмли шахснинг қаровсиз ҳамда назоратсиз қолишини Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралар аро комиссияси ёки жамоатчилик томонидан профилактик ишлар амалга оширилмаганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу жиноят ишидан кўриниб турибдики биринчидан, ота боланинг тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган иккинчидан, жамоатчилик томонидан вояга етмаганнинг қаровсиз ҳамда назоратсиз қолишини аниқламаган ва бунга имкон яратган, натижада вояга етмаган бир неча марта жиноят содир этган. Бундай мисолларни жуда ҳам кўп келтиришимиз мумкин.

Бинобарин, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш учун мажбурдирлар агарда улар ушбу мажбуриятини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса улар учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси¹ билан жавобгарлик масалалари белгилаб берилган. Ундан ташқари ота-онасини ота-оналик ҳуқуқидан махрум

¹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

килиб болани давлат ўз химоясига олиши ёки васий ёки хомий тайинлаш лозим бўлар эди.

Ушбу юқоридаги жиноят ишида вояга етмаган шахснинг бир-нечта жиноят содир этишига нима сабаб бўлди? Бизнинг фикримизча:

биринчидан, боланинг отаси ўз фарзандининг тарбияси билан шуғулланмасдан ўз холига ташлаб қўйилганлиги;

иккинчидан, боланинг отаси узок муддатга чет давлатга чиқиб кетганлиги;

учинчидан, дастлаб содир этган жинояти учун жавобгарликнинг енгиллиги;

тўртинчидан, боланинг моддий эҳтиёжларининг ошиб кетганлиги ва моддий етишмовчилик;

бешинчидан, боланинг таълим-тарбиясига маъсул бўлган давлат органлари томонидан боланинг таълим-тарбияси ота-онаси томонидан ўз холига ташлаб қўйилганлигига имкон яратиб берганлиги ва бу бўйича отасига ҳеч қандай таъсир чораларини кўрмаганлиги.

Ушбу вояга етмаган жиноятчининг бир нечта жиноятлар содир этишига олиб келган шарт-шароитлар:

биринчидан, катта отасининг ушбу болани таълим-тарбиясини ва бўш вақтларида нима ишлар билан бандлигини назорат қилаолмаганлиги;

иккинчидан, боланинг биринчи содир этган жинояти бўйича жавобгарлик масаласи ҳал этилаётганда унинг қайта жиноят содир этишининг олдини олишга маъсуллар аниқланиб уларга аниқ вазифалар тайинланмаганлиги;

учинчидан, терговни олиб борган терговчининг, судянинг, суднинг ҳукмини ижро этувчи пробацая хизмати ходимининг, коллеж раҳбариятининг ва бошқа маъсул шахсларнинг болани қайта жиноят содир этмаслиги бўйича профилактик ишларни етарли даражада олиб бормаганлиги;

тўртинчидан, болада шаклланаётган ғайриижтимоий хулқ-атвори барвақт аниқлаш ва олдини олишда ёши улуг ва кекса ёшдаги қўни-қўшниларининг бефарқлиги.

Оила ҳар бир боланинг яшаши, камол топиши учун асосий макон ҳисобланади. Оиланинг ички ҳаётига, болалар тарбиясига бошқаларнинг ўзбошимчалик билан аралашишига, тарбиясига салбий таъсир ўтказишига йўл қўйилмайди. Агар боланинг ҳуқуқлари камситилса, бундай оилага нисбатан қонуний йўл билан таъсир кўрсатишга, ота-онанинг ҳуқуқларини чеклашга, ҳатто, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш чорасини қўллашга ҳам тўғри келади.

Вояга етмаганларнинг шахсий хусусиятлари, ахлоқий тарбиясизлиги унинг жиноят содир этишига туртки бўлган сабаблардан биридир. Чунки, ким енгилтаклик билан ахлоқий нормаларни бузса, у албатта енгилтаклик билан қонунни ҳам бузади. Уйдан майда миқдорда пул ўғирлаш, чекиш, ичиш, ўз тенгдошлари ёки ўзидан кичикларга нисбатан зўравонлик қилиш, бошида бир мақсадда, яъни шахсий ҳузур-ҳаловат олиш учун ёки ўзидаги айрим руҳий ҳолатидаги муаммоларини шу тариқа тўлдириш учун қилинса ёки ўзини яқин атрофдагиларга кўз-кўз қилиш учун қилинса, кейинчалик эса буларни ҳаммаси энди уни кўнглини қониқтирмай қўяди ва натижада у янги қалтис туйғуларини синаб кўришга ҳаракат қилади, шунингдек бу ёшда уларга маблағ яъни пул, қимматбаҳо буюмларга бўлган эҳтиёжи ошади. Мисол учун: замонавий техник-воситалардан: компьютер, турли хил аудио-видео аппаратуралар, уяли алоқа воситалари сотиб олишга, шунингдек ҳар қил кўнгилочар масканларга, тунги кулубларга боришга оилада имконият йўқлиги сабабли қўпчилик вояга етмаганлар ўзгалар мулкани, дўконлардан, омборхоналардан, хонадонлардан, авторанспорт воситаларидан ўғирлик қилиш орқали ўз мақсадларига эришишга ҳаракат қиладилар.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ўғирлик, босқинчилик, талончилик, фирибгарлик каби жиноятларнинг сабабларидан бири эса, бу моддий эҳтиёжларининг ўта ошиб кетганлигидир. Бунинг асосий сабаби, аксарият жиноят содир этган вояга етмаганлар ўзларининг бош мақсадлари қилиб турли хил қимматбаҳо буюмларга эга бўлиш истагининг юқори бўлганлигини кўрсатганлар. Қиз болаларда биринчи ўринда қимматбаҳо уяли

алоқа воситалари, атир-упалар, турли хил заргарлик буюмлари, замонвий кийим-кечакка эга бўлиш бўлса, ўғил болаларда эса шулар билан бирга кўпроқ замонвий техник-воситалар, мото-автотранспорт воситалари ва шу кабиларга тезроқ эга бўлишдир. Шунингдек, ҳозирги аксарият болалар мунтазам равишда ўз вақтларини тунги клубларда ёки шунга ўхшаш кўнғил очар масканларда ўтказишга интилиши ва бу учун уларга катта миқдорда моддий бойлик керак бўлаётганлигини ҳам сабаб сифатида кўрсатишган.

Шунинг билан бирга, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг асосий сабабаларидан яна бири сифатида, бу уларнинг ўқиш ва билим олишга нисбатан эътиборсизлик билан муносабатда бўлиши. Вояга етмаган жиноятчиларнинг кўпчилиги ўз қилмишларини турли хил шарму-хаёсиз, ваҳший, жангари ва шу каби фильмларни кўплаб кўрганликларини ва билим олишга бўлган интилишининг суст бўлганлигини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар.

Вояга етмаган шахснинг жиноятчи бўлиб шаклланишининг биринчи босқичи бу унинг тарбияси билан боғлиқдир. Тарбияси оғирликни ижтимоий илдизлари вояга етмаганнинг оиласи ва уни ўраб турган муҳитдадир. Тарбияси оғир бола ўз қилмишларини ташқи таъсир остида амалга оширади. Уни хатти-ҳаракатларига ўзгарувчанлик ва муҳитга боғлиқлик мансубдир. Бу ерда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг умумий субъектлари (ота-она, болалар боғчаси, ўқув муассасалари, маҳалла, кенг жамоатчилик) тарбиявий таъсирини ўз вақтида бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки болалар нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари вақтларда ҳам тарбия таъсири остида бўлишлари керак. Шу сабабли мактаб маъмурияти ўз ўқувчиларини уйларида қандай яшаётганликлари ва улар бўш вақтларини қандай ўтказаётганликлари борасида доимий равишда қизиқиб ўрганиб уларнинг тарбияси бўйича жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари зарур. Бунда қаерда мактаб бундай жавобгарликни ўз зиммаларига олиб ўқувчиларни бўш вақтларини тўғри ташкил этган бўлсалар, ўша ерда жиноятчилик кам содир этилади.

Вояга етмаган ота-она ёки жамоатчилик томонидан назоратсиз қолиши ёки ўқув тарбия жамоасининг таъсиридан тушиб қолиши уларда бебошлик хиссини уйғотади ва мустахкамлайди натижада вояга етмаган шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этишига шароит юзага келади.

Криминологик тадқиқотларда кўпгина ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчилар ўз болаларига тўғри тарбия беришни билмаганликлари, айримлари эса тўғри тарбия бериш ҳақда умуман ўйламаганликлари натижасида вояга етмаган фарзандлари жиноят содир этганликларини айтган. Шунингдек, баъзи бир оилаларда эса болаларга ҳаддан ташқари ғамхўрлик ва меҳр-муҳаббат кўрсатишгани, уларнинг хулқ-атворини назорат қилишмагани, уларнинг ошна-оғайнилари, ташқи алоқалари, бўш вақтлари нима ишлар билан бандлиги ва ҳоказолар билан қизиқишмагани учун вояга етмаган фарзандлари жиноят содир этганликларини айтган. Ҳолбуки, ҳаддан ташқари ғамхўрлик ўсмирларда манманлик, боқимандалик, бошқаларга нисбатан ҳурматсизлик, жисмоний меҳнатга салбий муносабатни шакллантиришини амалиёт тасдиқлайди.

Шунингдек, айрим вояга етмаганлар кўп вақтини қимор ўйнаш, енгил ва осон пул топиш, қизлар ўғил болалар билан, ўғил болалар қизлар билан ярим тунгача кўчаларда, кўп қаватли уйларнинг олдида ёки паркларда бир бирлари билан суйкалиб севги изхор қилиб ўтиришлари ёки ўзларини бир-бирларига кўз-кўз қилишлари, кўчаларда турли хил спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ҳам истеъмол қилиш билан ўтказмоқда. Бу эса албатта вояга етмаганларнинг тарбиясига салбий таъсир этмоқда.

Жиноятчилик ҳулқининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш энг аввало у юзага келган ижтимоий муҳит хусусиятларини ўрганиб чиқишини тақозо қилади. Чунки жиноятчилик ҳулқи, умумий кўринишида оладиган бўлсак демак у бирор бир шахсга хос бўлган субъектив ҳулқ атвор натижаси эмас, балки субъектив ва объектив жараёнлар, шарт-шароитлар, муносабатлар натижаси сифатида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда ижтимоий

жараёнларнинг индивидуал ҳатти-ҳаракатларга таъсири масаласига ойдинлик киритиш зарур бўлади¹.

Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига эътиборсизлиги, ўз фарзандининг тарбиясини бировларга ишонишлари ҳам салбий ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда айрим ота-оналар катта орзу-ҳаваслар билан, яъни фарзандини яхшироқ моддий таъминлаш, тўйини бошқаларникидан кўра дабдабали ўтказиш, сарполарини бекаму-кўст қилиш ниятида боласини қари ота-онасига, қариндоши ёки таниш-билиш, қўни-қўшнисига ташлаб, ўзлари бошқа юртга ишлаб, пул топиб келиш учун кетаётганлиги ҳам бор гап. Бугунги кунда жинойт содир этиб, жазо ўтаётган вояга етмаганларнинг аксарияти, аниқроқ айтганда, 70 фоиздан кўпроғи ажрашган ёки бошқа юртга ишлаш учун оила бағридан узоқ муддат четга чиқиб кетган ота-она фарзандлари экани ҳам ушбу фикр-мулоҳазаларимизни тасдиқлаб турибди².

Шундай қилиб, вояга етмаганларнинг жинойт содир этишларини ҳамда юқоридаги салбий ҳолатларни олдини олишда комплекс таъсир кўрсатиш (оила-мактаб-маҳалла) зарур. Шунинг билан бирга, вояга етмаганлар онгига жинойтчилик, хусусан спиртли ичимликларни, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш зарарини сингдиришда миллий қадриятларимизни сарчашмаси бўлмиш шарият нормаларини ҳам тушунтирмоғимиз лозим. Пайғамбар алайҳиссалом “Ҳар бир маст қилувчи нарсаси ҳаром”, дейдилар. (Имом Муслим ривояти). Яна бир ҳадиси шарифда огоҳлантирадиларки: “Ҳар ким ўзини ўзи заҳар билан ўлдирса, қиёмат куни жаҳаннам ўти билан азобланади” (Имом Термизий ривояти)³. Холбуки, азалдан вояга етмаганлар жинойтчилигини олдини олишда таълим ва тарбия муҳим аҳамият касб этган.

Вояга етмаганлар жинойтчилигининг профилактикасига маъсул давлат органлари ва кенг жамоатчилик қуйидаги салбий ҳолатларни:

¹ Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жинойтчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари: монография. – Т.: ТДЖТУ, 2008. – 214 б. Б – 140.

² Ёдгоров Х., Ўзбекистон Республикаси Олий суд раисининг ўринбосари, Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси / Вояга етмаган болалар нега жинойт содир этмоқда? kun.uz / Жамият: 02.03.2018.

³ Абдулазиз Мансур. Ислом гиёҳвандликка қарши. Т.: Ё.Ў.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат Нашр, 1999. 5-б.

- оилада доимий конфликтли вазиятнинг мавжудлиги;
- ота-оналарнинг маълумот даражасининг пастлиги ёки педагогик билимларининг йўқлиги;
- тўлиқсиз оила (отаси ёки онасининг йўқлиги);
- оиладаги моддий етишмовчиликлар;
- оилада носоғлом муҳит (спиртли ичимликлар истемол қилиш, фоҳишалик билан шуғулланиш ва ҳ.к.)
- ота-онанинг иш ёки рўзғор юмушлари билан қаттиқ бандлиги натижасида бола тарбиясига эътибор бермаслик;
- ота-она ишлаш ёки ўқиш учун узоқ муддатларга чет давлатларга чиқиб кетиши;
- боланинг бўш вақтларида ўзи қизиқадиган ҳар-хил тўғараклар ёки спорт машғулотларига бориш имконинг йўқлиги;
- боланинг руҳий ҳолати билан қизиқмаслик ёки эътибордан четда қолдириш;
- ота-онанинг ҳеч қаерда ишламаслиги;
- мактабгача таълим муассасасидаги тарбиячининг бола тарбиясига салбий таъсири;
- мактабгача таълим муассасасида тарбияланмаганлиги;
- ўқишда ёки ўқишдан ташқари вақтларида мактаб маъмуриятининг назорат қилмаслиги ёки назоратнинг сустлиги;
- катта ёшдаги қўни-қўшнилар ёки қариндошларининг боланинг тарбиясига бефарқлиги;
- интернет ва уяли алоқа воситаларидан фойдалиниш ҳолати ўз холига ташлаб қўйилганлиги;
- яшаш жойидаги маҳалласида уюлмаган ёшларнинг кўплиги;
- ўқишдан ташқари бўш вақтларининг маъзмунли ташкил этилмаганлиги ва шу каби салбий ҳолатларни аниқлаб уларни бартараф этиш бўйича йўл хариталарини тузиб профилактик ишларни олиб борсалар вояга етмаганлар жинойатчилигини камайтиришга эришилади.

Бинобарин, вояга етмаганлар жиноятчилигини содир этишга олиб келаётган сабабларни ва шарт-шароитларни олдини олишда қуйидаги омилларни инобатга олган ҳолда ёндашиш лозим:

биринчидан, жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этмаганлик ҳолатларини;

иккинчида, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги;

учинчидан, жиноят содир этганлигига алоҳида эътибор бериб шундан келиб чиқиб профилактик ишларни ташкил этиш керак.

Фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашиш, бунда шахсий ибрат жуда муҳим омил эканини унутмаслик жоиз. Улуғ аллома Абу Ҳомид Ғаззолий таъбири билан айтганда, «Бола тарбияси энг муҳим ишлардандир. Фарзанд ота-онага омонат. Бола қалби пок, нозик, содда ва ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга кўра шаклланади, эгган томонга эгилади»¹.

Аллома яна шуни таъкидлайдики, агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичида вояга етса, дунё ва охират саодатини топади. Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонлик ичида ўсса, бахтсизликка юз тутади. Бунда гуноҳ юки шу қўйга солганларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади.

¹ Сайид Раҳматуллоҳ Термизий. Ҳалол касб – фаровонлик омили. Ҳалол савдо – касбларнинг яхшиси. - Т.: «Hilol-Nashr», 2017. 56-б.

3 §. Вояга етмаганлар жиноятчилигини

олдини олиш

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида республикамызда жуда катта ижобий ишлар амалга оширилди бу ўзгаришлар жамиятимиздаги ҳар бир соҳада, жумладан қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Қонунларни амалга ошириш учун мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини ва маънавиятини юксалтириш, фуқароларнинг қонун нормаларига ихтиёрий амал қилиши ва бу орқали қонун бузилишларининг, адолатсизликларнинг ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Дарҳақиқат, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек, ҳуқуқбузарликлар ҳам ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш ва содир этилган жиноятларни очиш борасида хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари қолаверса барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини такомиллаштириш давр талабидир. Шу жумладан, ички ишлар органлари тизимларидаги ислохотлар уларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириб, бугунги кунда янгича ёндошув асосида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши йўлга қўйилган.

Жумладан, ички ишлар органларининг аҳолига яқинлигини таъминлаш ва ички ишлар бўлим (бошқарма)ларидан узоқда жойлашган аҳоли пунктларида

фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ички ишларнинг қўшимча равишда 175 та шаҳар бўлими (бўлинмаси) ва 824 та таянч пункти ташкил этилган¹лиги вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва амалга оширишга катта имкониятлар яратди

Криминологияда жиноятларнинг олдини олиш, деганда жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имконият яратувчи сабаблар ва омилларни бартараф этиш ёки уларни нейтраллаштиришга қаратилган давлат ва жамият чора-тадбирлари мажмуини тушуниш одат тусини олган².

Кўпгина криминологлар жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва якка тартибдаги профилактикасини фарқлайдилар, шунингдек криминологик профилактиканинг турли вазифалари ва даражаларини қайд этадилар³.

Шуни алоҳида такидлаш керакки, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаган шахсларни жазолашдан афзалдир, яъни ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши натижасида фуқаролар, давлат ва жамият ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар кўради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз» деганларида фарзандларимизни болалигидан покни нопокдан, ҳалолни ҳаромдан фарқлашга ўргатишни назарда тутди ва ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг қуйидаги фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишлари

¹ Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич яқунлари ва истикболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. - № 4. 5 б.

16 Криминология. – М., 2006. – с-203-204.

³ Исмаилов И., Зиёдуллаев М. ва б.қ. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш: ўқув-амалий қўлланма. –Тошкент: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2011. –Б.158-165

лозимлигини таъкидлайди: «Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ¹» деб таъкидладилар.

Шундай экан вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишда ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишда, аввало, ҳар бир инсон ўз фаолиятини ислоҳ қилиши керак. Ислохотлар аввало инсон онгини ўзгартиришдир. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлигига қарши кураш биринчи навбатда оиладаги муҳит ва таълим-тарбиядан бошланади. Нима ҳалолу нима ҳаром эканлигини фарзандларимизга бобо ва момолар, ота-она ва устозлар ўғити билан сингдирилиши ҳечкимга сир эмас.

Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлар жиноятчилигинининг профилактикаси сиёсати Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ва Президенти томонидан белгиланади. Ушбу сиёсатни жойларда ижро этувчи ва амалга оширувчи бу вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралар аро комиссиялар, прокуратура, ички ишлар, васийлик ва ҳомийлик, адлия, Давлат ҳафвсизлик хизмати, таълимни бошқариш ва таълим муассасалари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат ва бошқа органлар эса бу соҳадаги давлат сиёсатини бевосита амалиётда татбиқ этадилар. Ҳозирга вақтда вояга етмаганлар жиноятчилигинининг профилактикаси давлат ички сиёсатининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактикасини амалга ошириш ва ташкил этиш аваломбор давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 7 дек.

Ўзбекистонда шаклланган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси миллий тизими, яъни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси сиёсатига, унинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек уларнинг ҳаётда амалга оширилиши ва қўлланилишини таъминловчи орган ва муассасалар фаолиятига бевосита ўзбек халқининг юксак маънавиятини ўзида акс эттирувчи инсоний туйғулар, фазилатлар, буюк аجدодлар мерослари, оила кадриятлари ҳақидаги ғоялар сингдирилган.

Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» тўғрисидаги қонуни муҳим аҳамият касб этади. Сабаби ушбу қонунда амалиётда ечимини қийнаб келаётган «вояга етмаган», «вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси», «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган», «ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила», «назоратсиз», «якка тартибдаги профилактика иши», «қаровсиз», «ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар» каби тушунчаларга қонуний тариф берган. Шунингдек, ушбу қонун вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими белгилаб берди. Ушбу органлар ҳамда муассасалар тизимига «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар», «Ички ишлар органлари», «таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари», «васийлик ва ҳомийлик органлари», «соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари» ва «меҳнат органлари» ҳамда булардан ташқари бошқа органлар ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши белгилаб берилган. Бундан ташқари, ушбу юқоридаги орган ва муассасаларнинг ваколатлари тизимлаштирилиб берилди.

Қолаверса, ушбу субъектлар олдига вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир **бешта** асосий вазифалар белгилаб берилганлигини кўришимиз мумкин. Булар:

биринчидан, вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

иккинчидан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

учунчидан, вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини шакллантириш;

тўртинчидан, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш;

бешинчидан, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир қилишга жалб этиш ҳолларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш.

Бундан ташқари, ушбу Қонунда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки аниқ белгилаб берилди. Бунга асосан: ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

биринчидан, таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслиги, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустаснолиги;

иккинчидан, вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслиги;

учунчидан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши. Шунингдек, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради¹ деб аниқ профилактик вазифаларни юклатилганлиги вояга етмаганнинг жиноят содир этишидаги асосий сабаблар ва шарт-шароитларнинг олдини олишга қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Шундан сўнг, Ўзбекистонда 2014 йил 14 майда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»²ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борада олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу қонун билан айнан ҳуқуқбузарликка қарши курашишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг фаолияти тартибга солинган. Шунингдек, ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари кўрсатилган бўлиб улар қуйидагилардир:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Ушбу ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларидан келиб чиқиб

¹ Ўзбекистон Республикаси “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги 2010 йил 29 сентябрь қонуни // Халқ сўзи. – 2010. – 30 сент.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон.

хукукбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг хукукбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятлари тартибга солинган ва тизимлаштирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли қарорининг қабул қилиниши натижасида хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг янги босқичини ва тизимини белгилаб берди. Ушбу қарор билан хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи қуйидаги комиссиялар тузилди ва уларнинг вазифалари белгилаб берилди:

- хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;
- вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси;
- одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси.

Шунингдек, ушбу Қарорда ҳафтанинг ҳар пайшанба куни «Хукукбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланиб қуйидаги тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган:

- хукукбузарликларга мурасизлик маданиятини шакллантириш, ҳукуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида «очиқ эшиклар куни»ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

- қонунийлик аҳволини ва хукукбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳофаза қилиш учун жойларда, биринчи навбатда криминоген вазият номақбул бўлган ҳудудларда

фуқароларнинг сайёр қабуллари хамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакилларининг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш;

- ижтимоий аҳамияти муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлисларини ўтказиш;

- аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

- махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда жиноятчилик аҳволи, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитлари, жиноятларни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини муҳокама қилиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил этиш каби тадбирларни амалга оширилиши белгиланганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган асосий вазифаларни бажарилиши амалиётда вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишга муаян даражада хизмат қилмоқда.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини амалга ошириш жамият аъзоларнинг маънавий ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилашда, уларни қонунларга риоя этиш ва унга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки маънавиятли инсон ҳеч қачон ёмон иш қилмайди, нега деганда инсонни инсон қиладиган, тўғри йўлга бошлайдиган, унинг онги ва руҳиятини тозалайдиган улуғ нарса бу маънавиятдир.

Ўтказилган тадқиқотлар аксарият вояга етмаган жиноятчилар шахсининг шаклланиши йўлидаги биринчи босқич шахснинг яхши тарбия олмаганлигини кўрсатади. Криминологик жиҳатдан бу тушунча шахснинг ахлоқсиз ва қисман ҳуқуқбузар шахси каби типларига мос келади.

Тарбияси оғир ўсмир – ахлоқи тузатилишига ва қайта тарбияга муҳтож бўлган вояга етмаган шахс. Уни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш мазкур шахс жиноятчига айланишининг олдини олиш, шунингдек унинг жамият билан нормал алоқаларини тиклаш, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Ҳар бир вояга етмаган тарбияси оғир шахснинг хулқ-атвори ўзига хосдир; у ўсмир шахси шаклланишининг объектив ва субъектив омиллари билан белгиланади. Бу эса тарбия ва профилактика ишларида индивидуал ёндашув етакчилик қилиши лозимлигини англатади. Афсуски, амалда тарбияси оғир ўсмирларга нисбатан асосан оғзаки таъсир кўрсатиш воситалари (танбех, ҳайфсан ва ҳ.к.) қўлланилади. Мактаб болалар ва ўсмирлар ҳаёти ва хулқ-атвори учун масъул педагогик марказга айланиши лозим¹.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган туб ислоҳотлар натижасида шаклланган миллий таълим тизимининг устунлик томони ҳам бевосита узлуксиз таълимда таълим-тарбиянинг уйғунлашган ҳолда олиб борилишидир. «Охирги йилларда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишларимиз биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратди». Бундай жараён бевосита жамиятда маънавий қашшоқликни бартараф этиш, вояга етмаганларда ғайриижтимоий хулқ-атвор шаклланишининг ва унинг билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг камайиб боришини таъминлашга хизмат қилади. Чунки,

¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 165 бет.

юксак маънавиятгина инсонни ҳар қандай салбий иллатлардан, ғайриижтимоий хулқ-атвордан, ҳуқуқбузарлик содир этишдан сақлайди.

Оиладаги назоратсизлик, ўқув ёки меҳнат жамоаси таъсиридан четда қолиш ўсмирда масъулиятсизлик ва бошбошдоқлик туйғусини мустаҳкамлайди. Дастлабки ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликка тортилмай қолиш вояга етмаганда беписандлик, атрофдагилар фикри билан ҳисоблашмаслик одатини ривожлантиради.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ўз мазмунига кўра барча вояга етмаганларга қаратилган умумий тарбиявий чоралар билан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий чоралар ўртасидаги оралик бўғин ҳисобланади.

Умумий профилактика чоралари асосан беқарор оилаларнинг салбий таъсирини нейтраллаштириш, муҳтож ўсмирларга давлат ва жамоатчилик томонидан ёрдам кўрсатиш (васийлик ва ҳомийлик ўрнатиш, меҳрибонлик уйи, мактаб-интернатга юбориш, ўқишга ёки ишга жойлаштириш), вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш, ўсмирларнинг дам олишини оқилона ташкил этиш, вояга етмаганларнинг қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назорат олиб бориш ва ҳ.к.ни назарда тутати.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш билан боғлиқ барча чоралар унинг бош вазифасини амалга ошириш – хулқдаги шахс бузилишни тўхтатишга, унинг айрим салбий хусусиятларига барҳам беришга, шунингдек микромуҳитдаги криминоген омилларининг таъсирига чек қўйишга қаратилиши лозим. Профилактика чора-тадбирлари тарбияси оғир ўсмирлар ғайриижтимоий хулқ-атворнинг янада хавфлироқ шаклларига ўтишини тўхтатиши, уларнинг келажақда тўғри йўлга кириб, фаол ҳаётий позицияни эгаллашларини таъминлаши лозим¹.

¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 166-67 бет.

Афсуски, вояга етмаганлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг профилактик таъсири доирасига асосан ҳуқуқбузарликлар содир этганларидан кейин тушадилар.

Ўсмирларнинг ғайриижтимоий мойилликларини дастлабки босқичда профилактика қилиш чораларини қўллашга нисбатан юзаки ёндашиш ҳоллари мавжудлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекторлари ва комиссиялар асосан тарбияси оғир ўсмирларга таъсир ўтказади. Уларнинг бекарор ота-оналарига нисбатан эса, нари борса маъмурий чоралар кўриш билан кифояланади. Ваҳоланки, бу чоралар ўз ҳолича ўсмирнинг микромуҳитини соғломлаштира олмайди. Кўпинча бундай ҳол ўсмир билан ўтказилган тарбиявий ишларнинг барча натижаларини чиппакка чиқаради.

Бу соҳада қонунийликка риоя этилиши устидан прокурор назорати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Назоратни ташкил этишга нисбатан юзаки ёндашув шунга олиб келмоқдаки, айрим қарорлар бажарилмаяпти ёки ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаяпти. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунида прокуратура органлари зиммасига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликларга, шу жумладан вояга етмаганлар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлигига қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юкланган. Бу профилактика ишининг барча иштирокчилари куч-ғайратини бирлаштиришни назарда тутди ва айни вақтда прокурорларнинг назорат функцияларини бажариш мажбуриятини соқит этади. Прокуратуранинг вазифаси – жиноятларнинг олдини олиш, вояга етмаганларни тарбиялаш учун масъул ходимлар ўзларига юкланган қонуний ваколатларни қандай амалга ошираётгани устидан назоратни кучайтиришдир¹.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идолалар аро комиссиялар муҳим масала – вояга етмаганларни ишга жойлаштириш масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги керак.

¹ Абдурасулова Қ.Р. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 167-168 бет.

Бу борада, профилактик чораларнинг самарадорлиги уларнинг кўп киррали эканлиги билан белгиланади. Бу чоралар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини камраб олиши, фуқароларга ижтимоий-салбий таъсир қиладиган омилларни, жиноятнинг барча сабаблари ва унга имкон берган шароитларни бартараф этишга қаратилиши лозим. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган тадбирлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа давлат органлари билан бирга ҳамкорликда олиб борилиши керак¹. Шунингдек, вояга етмаганларнинг шахсий хислатларини билиш профилактик чора-тадбирларни тўғри танлаш ва қўллашда катта аҳамият касб этади. Зеро, шахснинг ўзига хос бўлган маънфаатлари, эҳтиёжлари, асосий фаолият йўналишидаги ўзаро алоқаларида мавжуд салбий ҳолатлар унинг жамиятда ўз ўрнини топмаслигига ҳамда ўқиш ва меҳнат фаолиятида жамоа аъзолари билан ўзаро муносабатларининг ёмонлашувига олиб келади².

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг «...таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланиши, яъни, таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим. Ривожланган малакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга. Яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атига 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Шу йўлдаги муҳим амалий қадам сифатида болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш даражасини бугунги 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга етказамиз»³ деб айнан болаларни болалар боғчасидан талим-тарбиясига эътибор бериб,

¹ Абдурасулова Қ.Р. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унинг олдини олиш муаммолари // Қонун ҳимоясида. – 2001. - №1. – Б. 23.

² Kriminalogiya. Maxsus qism: Darslik / I.Ismoilov? Q.R.Abdurasulova va boshqalar. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015. – Б. 11.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018 й. – 29 декабрь.

уларнинг камол топишига замин яратиш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини билдиради.

Шундай экан, инсон шахси вояга етгунига қадар шаклланади. Ушбу босқичда шахс хулқ-атвори ниҳоятда ўзгарувчан бўлади. Вояга етмаганларда ўзини назорат қилиш етарлича ривожланмаганлиги, бундай ходисалар натижасида юзага келадиган «ижтимоий турғунлик» туфайли жамиятга мослашув нуқсонлари ғайри-ижтимоий қилмишлар кўринишида нисбатан осон намоён бўлади, баъзан эса барқарор хулқ-атвор сифатида мустаҳкамланади, вақт ўтган сари тузалиши қийин бўлиб боради.

Албатта, вояга етмаганлар жиноятчилигида вояга етмаганнинг ўзига хос салбий ёки ижобий хислатлари алоҳида ўрин тутди. Вояга етмаганнинг ўзига хос ижобий хислатларини янада ривожлантирилиши ва бу борадаги ишларни вояга етмаганнинг оила аъзолари, яъни ота-онаси, буви-буваси, ака ва опаси, шунингдек айрим ҳолатларда бошқа қариндош-уруғлари билан келишиб, тизимли равишда амалга оширилиши орқали вояга етмаганлар жиноятчилигининг камайишига эришиш мумкин бўлади.

ХУЛОСА

Вояга етмаганларнинг жиноят содир этиши, турли салбий таъсирларга берилиши ҳар қандай жамиятда, хатто ривожланган давлатларда ҳам энг катта муаммодир. Чунки, ҳали ўзини тўла бошқара олмайдиган, содир этган хатти-ҳаракатининг моҳиятини тушуниб етмайдиган бола атроф-муҳит, ижтимоий воқелик таъсирида ҳуқуқбузарликлар содир этиши, оғир жиноятларга қўл уриши мумкин.

Маълумки, жиноятчилик таркибида борган сари унинг ўта хавфли ва мураккаб янги турларининг пайдо бўлаётгани, жиноий йўлга кенг доирадаги шахсларнинг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшларнинг, шунингдек ҳаётда ўз ўрнини топа олмаётган ёки аламзада шахсларнинг муайян жалб этилаётгани, улар жамиятга ва унинг аъзоларига етказаётган моддий ва маънавий зарар миқдори ҳамда қўламининг кенгайиб бораётгани, давлат ҳокимияти органлари ва демократик институтлар фаолиятига тўсқинлик қилаётгани, террорчилик руҳидаги ва экстремистик ғояларга асосланган жиноий тузилмалар фаолиятини молиялаштираётгани, уларга қарши кураш учун катта маблағ сарфланиши, куч ва воситалар жалб қилиниши, ҳатто йўқотишларга йўл қўйилаётгани унинг ҳақиқий ижтимоий хавфини кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ислохотлар натижасида янгидан шаклланган профилактика хизматларининг ҳозирги кундаги имкониятларидан унумли ва ўз вақтида фойдаланиш ҳамда уларнинг фаолиятини тўғри ташкил этиш орқали вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш фаолиятининг самарали натижаларига эришиш мумкин. Бинобарин, вояга етмаганлар жиноятчилигининг профилактик субъектлари – амалдаги қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган ваколатлар доирасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар, жумладан жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиш, суриштирув ва тезкор қидирув ишлари, шунингдек ҳуқуқбузарлик ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга мойил,

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила ва вояга етмаган, назоратсиз ва қаровсиз шахслар билан тарбиявий-профилактик ишлар олиб бориш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Халқимиз азалдан болажонлик фазилатини намоён қилиб, фарзандни дунёга келтиришдан тортиб, то камолга етказгунга қадар унинг таъминоти, таълим-тарбияси ва билим олиши, касб-ҳунар эгаллашига, умуман, етук инсон бўлиб камол топишига алоҳида эътибор қаратиб келган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Парламентга Мурожаатномасида «...Халқимизда **«таълим ва тарбия бешикдан бошланади»** деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди»¹ деган фикрлари ҳам сўзимни яна бир бор исботлайди.

Бундан кўриниб турибдики, вояга етмаганларни маърифатли қилиб тарбиялаш унинг дунёга келишидан бошланиши ва давомийлик касб этиши лозимлиги натижада болаларимиз жамиятимизда ўрнатилган қонун-қоидаларга мунтазаам риоя этиш ва қонунларга ихтиёрий итоткорлик руҳини сингдириб боришни билдиради.

Бола дунёга келганидан бошлаб унга ғамхўрлик қилиш, соғлом ва тўғри тарбия ҳамда замонавий таълим олишини таъминлаш — жамиятимиз келажаги, эртанги кунимиз пойдеворидир. Чунки, болалар зилол сувга ўхшайди. Сув қайсики идишга солинса, шу идиш шаклини олганидек, болалар муҳит, ота-она ва тарбиячилар одоб-ахлоқи ва хатти-ҳаракатларини айнан кўрганидек қабул қилади. Халқимиз нақли билан айтганда, «Қуш уясида кўрганини қилади». Шунинг учун, оилада, маҳаллада, таълим муассасаларида соғлом ижтимоий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

муҳитни яратиш, вояга етмаганларни доимий назорат остига олиш, уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш бугунги кунинг энг долзарб вазифасидир.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишида давлат ва ота-оналардан ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан оилада етук, баркамол авлодни шакллантиришда олдиларига бир қанча мажбуриятларни улар вояга етгунга қадар бажаришлари лозим. Бу мажбуриятлар қуйидагиларда номоён бўлади:

биринчидан, болани бошпана, мавсумий кийим-кечак ва етарли озиқ-овқат билан таъминлаш;

иккинчидан, болани ҳаёти ва соғлиғига қарши турли хавф-хатардан ҳимоя қилиш;

учинчидан, болани соғлиғига шунингдек танасини тўғри ривожланишига эътибор қаратиб тегишли тартибда тиббий кўриқдан ўтказиб туриш ва баркамол ўсиши учун жисмоний тарбия билан мунтазам шуғуллантириб туриш;

тўртинчидан, оилада маънавий муҳитни таъминлаш орқали болада жамиятимизда азалдан ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган урф-одатлар (меҳрибонлик, самимийлик, ғамхўрлик, каттага ҳурматда кичикка иззатда бўлиш, саломлашиш, меҳмондўстлик, дўстлик, баҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик ва ҳ.к.) ва ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилиш руҳиятини сингдириб бориш;

бешинчидан, болани домий равишда умумий таълим мактабларига боришини ҳамда у ерда илм олишига, ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, ёдлаш сирларини ўрганиб боришини таъминлаш;

олтинчидан, болани доимий равишда қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб бориш ҳамда ҳунар ўргатиш;

еттинчидан, болада ёт ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилдириш ва болани маънавий-ахлоқий тарбиялаш – унда Ватанга, миллий ва диний қадриятларга, урф-одат ва маданиятга нисбатан меҳр-муҳаббат ор-номус, ғурур, ифтихор каби туйғуларни шакллантиришда кўмаклашиш.

Давлат, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар юқорида санаб ўтилган мажбуриятларни самарали бажариши орқали нафақат вояга етмаганлар

хуқуқларини таъминлаш ва оилада етук, баркамол авлодни шакллантиришга эришилади, балки ўзларининг келажакларини фаровон бўлишини ҳам таъминлайдилар.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР:

вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга ошириладиган ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган — вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ёхуд ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлайётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган оила;

назоратсиз — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товланганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;

якка тартибдаги профилактика иши — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;

қаровсиз — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган;

ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари.

ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи;

ғайриижтимоий хулқ-атвор — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги;

ҳуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи — жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахс — ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атвори хавфлилиги туфайли хуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли ҳолатида бўлган жисмоний шахс.

бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

боланинг қонуний вакиллари — ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

васийлик ва ҳомийлик — ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

етим бола — отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола — ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола;

ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар — юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан:

ногирон болалар;

жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар;

етим болалар;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар;

кам таъминланган оилалардаги болалар;

жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар;

зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар;

ногирон бола — жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола;

ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар — қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар);

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола — ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

васийлик — ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли;

ҳомийлик — ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли. Соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин;

васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс — ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахс;

васийлик ёки ҳомийлик белгиланишига муҳтож бўлган шахслар — алоҳида ғамхўрликка, шунингдек ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний

манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож бўлган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган ота-онаси бўлган ҳамда болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид туғдираётган ёки уларнинг таъминоти, тарбия ва таълим олишига доир талабларга жавоб бермайдиган шароитда яшаётган болалар, соғлиғининг ҳолатига кўра ҳомийликка муҳтож бўлган вояга етган муомалага лаёқатли фуқаролар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқаролар

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. «Криминология» фанида жиноятчининг шахси нимани ташкил қилади?
 - а) «Криминология» фанининг функциясини ташкил қилади;
 - б) жиноятчиликнинг аҳволини ташкил қилади;
 - в) «Криминология» фанининг предметини ташкил қилади;
 - г) «Криминология» фанининг тузилишини ташкил қилади.
2. Жиноятчилик динамикасига нималар киради?
 - а) муайян вақт мобайнида жиноятчиликнинг ўсиши ёки пасайиши;
 - б) содир этилмаган муайян турдаги жиноятлар;
 - в) жиноий гуруҳларнинг профессионализи, уюшганлиги;
 - г) муайян турдаги жиноятларнинг ривожланиши;
 - д) жиноятчиликнинг ҳудудий ҳажми.
3. Жиноятчиликнинг аҳволини вақт белгиси бўйича қуйидагича белгилаш мумкин:
 - а) ойда;
 - б) чоракда;
 - в) ярим йиликда;
 - г) йил мобайнида;
 - д) барчаси тўғри.
4. Жиноятчиликнинг белгиларидан бирини кўрсатинг?
 - а) криминалистик;
 - б) оммавийлик;
 - в) ижобий;
 - г) фалсафий.
5. «Жиноий одам» асарининг муаллифи ким?
 - а) Чезаре Беккариа;
 - б) Арасту;
 - в) Платон;
 - г) Чезаре Ломброзо.
6. Жиноятчиликнинг аҳволи деганда нима тушунилади?
 - а) қайд этилган вақт мобайнида жиноятчиликнинг ўзгариши;
 - б) муайян турдаги жиноятларнинг улуши ва муайян ҳудудда содир этилган жиноятларнинг сони ҳамда муайян;
 - в) жиноятларнинг муайян давр мобайнида содир этилган жиноятларнинг умумий сонига нисбати;
 - г) муайян давр мобайнида муайян ҳудудда содир этилган жиноятларнинг ҳамда уларни содир этган шахсларнинг сони.
7. “Вояга етмаганлар жиноятчилигининг аҳволи” тушунчаси нимани билдиради?

а) муайян давр мобайнида муайян ҳудудда содир этилган жиноятларнинг ва жиноят содир этган вояга етмаганларнинг сони;

б) хотин-қизлар содир этган жиноятларнинг умумий сони;

в) рецидивистлар содир этган жиноятларнинг умумий сони;

г) иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг умумий аҳволи муайян вақт ва ҳудудда содир этган вояга етмаганларнинг умумий сони.

8. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикаси деганда нима тушунилади?

а) вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг ўсиши ёки пасайиши;

б) катталар ва вояга етмаганлар ўртасида юзага келадиган жиноий-ҳуқуқий муносабатлар;

в) ҳар хил жиноятларни ифодаловчи кўрсаткичлар;

г) вояга етмаган шахснинг жиноий-ҳуқуқий белгиси;

д) вояга етмаганларнинг ижтимоий-демографик белгилари.

9. Вояга етмаганларнинг латент жиноятчилиги деганда нима тушунилади?

а) вояга етмаганлар томондан содир этилган барча жиноятлари;

б) божхона қўмитаси аниқлаган ҳамда жиноятларга оид статистикада қайд этилган жиноятлар;

в) солиқ инспекцияси аниқлаган, аммо жиноятларга оид статистикаларда қайд этилмаган жиноятлар профилактика инспекторлари аниқлаган жиноятлар;

г) вояга етмаганлар содир этган, аммо жиноятларга оид статистикада қайд этилмаган жиноятлар.

10. Вояга етмаган жиноятчининг ижтимоий-демографик белгисига нима киради?

а) содир этилган турли хил жиноятларнинг сони вояга етмаган шахснинг судланганлиги, бир қанча жиноятларни содир этгани, етказилган зарарнинг ҳажми;

б) жиноятни содир этиш пайтида унинг руҳий ҳолати;

в) вояга етмаган шахснинг туғилган санаси, ижтимоий келиб чиқиши;

г) вояга етмаган шахс жиноятларининг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар.

11. Вояга етмаган шахснинг жиноят-ҳуқуқий белгисига нима киради?

а) вояга етмаган шахснинг оилада шаклланиши;

б) шахснинг салбий ижтимоий муҳитда шаклланиши;

в) унинг судланганлиги;

г) шахснинг муайян ижтимоий муҳитда шаклланиши;

д) шахснинг мактабда шаклланиши.

12. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси нима?

а) жиноятларнинг муайян сонининг вояга етмаганлар содир этган жиноятлар сонига нисбати;

б) муайян вақт мобайнида содир этилган рецидив жиноятларнинг умумий сони;

в) содир этилган оғир турдаги жиноятларнинг умумий сони;

г) муайян ҳудудда содир этилган жиноятлар.

13. Жиноятчилик даражаси деганда нима тушунилади?

а) ўта оғир жиноятлар сонининг муайян вақт мобайнида муайян ҳудуддаги аҳолининг номаълум сонига нисбати;

б) хавфли жиноятлар сонининг муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда содир этилган жиноятларнинг умумий сонига нисбати;

в) жиноятлар сонининг муайян вақт мобайнида муайян ҳудуддаги аҳолининг умумий сонига нисбати;

г) рецидив жиноятлар сонининг муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда илгари содир этилган жиноятлар сонига нисбати.

14. Вояга етмаганларнинг ёшини кўрсатинг.

а) 14-19 ёш;

б) 15-20 ёш;

в) 14-17 ёш;

г) 20-21 ёш;

д) 12-21 ёш.

15. Вояга етмаганлар жиноятчилиги нима?

а) нарқотик воситаларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар мажмуи;

б) вояга етмаганлар содир этадиган иқтисодий жиноятлар мажмуи;

в) жамиятда вояга етмаганлар томонидан содир этилган барча турдаги жиноятларнинг йиғиндиси;

г) эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар мажмуи;

д) ҳаётга, соғлиқга қарши жиноятлар мажмуи.

16. Вояга етмаганлар қайси турдаги жиноятларни кўпроқ содир этадилар?

а) талон-тарож қилиш;

б) фирибгарлик;

в) одам ўлдириш;

г) ўғрилик;

д) товламачилик.

17. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг аҳволи деганда нима тушунилади?

а) муайян ҳудудда муайян вақт мобайнида содир этилган жиноятларнинг, шунингдек бундай жиноятларни содир этган вояга етмаган шахсларнинг умумий сони;

б) муайян ҳудудда муайян вақт мобайнида содир этилган оғир турдаги жиноятларнинг умумий сони;

в) иқтисодиёт соҳасида жиноятларнинг умумий аҳволи аёллар содир этган жиноятларнинг умумий сони;

г) рецидивистлар содир этган жиноятларнинг умумий сони.

18. Вояга етмаганларнинг жиноят кўчасига кириб кетишига асосий сабаблардан бирини кўрсатинг?

а) ахлоққа зид бўлган шароитнинг мавжудлиги ва оиладаги носоғлом мухит;

б) вояга етмаганларнинг маълумоти йўқлиги;

в) вояга етмаганларнинг таълим муассасаларида қоникарсиз баҳоларга ўқиши;

г) вояга етмаган шахснинг спорт билан шуғулланмаслиги.

19. "Жиноятчилик"нинг туғри таърифини кўрсатинг.

а) содир этилган ҳамда ушбу ҳудуддаги шахсга ва аҳолига туғри келадиган жиноятлар сонини акс эттирувчи кўрсаткич;

б) маълум бир минтақада, маълум бир вақтда (даврда) содир қилинган жиноятлар йиғиндисини ўз ичига олган, нисбатан оммавий, тарихий ўзгарувчан, ижтимоий хавфли, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса;

в) айрим турдаги жиноятларнинг мажмуи тарихан ўзгарувчан ижобий ҳодиса;

г) шахсларнинг фақат маъмурий қонунчилик билан тақиқланган айбли ҳаракатлари мажмуи.

20. Жиноятчиликнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини кўрсатинг.

а) жиноятчиликнинг аҳволи;

б) жиноятчиликнинг даражаси;

в) жиноятчиликнинг динамикаси;

г) жиноятчиликнинг тузилиши;

д) барча жавоб туғри.

21. Қуйида келтирилган таърифлардан қайси бири "жиноятчиликнинг динамикаси" терминининг маъносини акс эттиради?

а) жиноятчиликнинг коэффиценти;

б) босқичлаштириш орқали кўчирилган жиноятчиларнинг сони;

в) жиноятларнинг умумий сони;

г) жиноятларнинг ўсиши ва пасайиши.

22. Жиноятчилик қайси кўрсаткичлар билан ўлчанади?

а) криминология, социологик, фалсафа, сиёсатшунослик, тарих, жиноят ҳукуқи каби фанларнинг усуллари билан;

б) математика, арифметика, геометрия, физика каби фанларни билиш билан;

в) физик ҳамда математик формулалар билан;

г) миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан.

23. "Жиноят" ва "жиноятчилик" тушунчалари ўртасидаги фарқ, аввало, шундаки:

а) жиноят - инсон жиноий ҳуққининг яқка акти;

б) жиноятчилик - статистик мажмуа; жиноят салбий ижтимоий ҳодисадир;

в) жиноят бу ҳуқуқий ҳодиса, жиноятчилик эса барча турдаги жиноятларнинг йигиндиси бўлиб жамиятдаги ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисасидир;

г) жиноят билан жиноятчилик бир маънодаги тушунча.

24. Жиноятчининг шахси - бу:

а) ижтимоий-психологик белгилар мажмуи;

б) жиноий-ҳуқуқий белгилар мажмуи;

в) ахлоқий алоқалар, муносабатлар мажмуи;

г) ижтимоий-демографик белгилар мажмуи;

д) барча жавоб туғри.

25. Шахс деганда нима тушунилади?

а) инсоннинг амалий фаолияти орқали ижтимоий муҳит билан алоқлари ва ўзаро таъсири акс этмаган тизим;

б) инсоннинг ижтимоий муҳит билан алоқлари акс этган ва амалий фаолияти орқали ўзаро таъсири кўринмайдиган;

в) ижтимоий-психологик хислатларининг тизими;

г) инсоннинг ижтимоий муҳит билан алоқлари ва амалий фаолияти орқали ўзаро таъсири акс этган ижтимоий-психологик хислатларининг тизими;

д) инсоннинг ижтимоий муҳит билан алоқлари ва ўзаро таъсири акс этмаган ижтимоий-психологик хислатларининг тизими.

26. Вояга етмаган жиноятчиларни таснифлаш қуйидагиларга имкон беради:

а) жиноятчи шахсининг чуқурроқ таҳлил этилишига;

б) жиноий фаолият сабабларини таҳлил қилишга;

в) жиноий фаолиятнинг имкониятларини илмий жиҳатдан олдиндан кўришга;

г) жиноятчиларга нисбатан қўлланиладиган чораларни ишлаб чиқишга;

д) барча жавоб туғри.

27. Жиноятчи шахсининг ижтимоий-демографик белгиларига нималар киради?

- а) касби;
- б) фуқаролиги;
- в) оилавий аҳволи;
- г) ижтимоий аҳволи;
- д) барча жавоб туғри.

28. Шахснинг биофизиологик аҳволини кўрсатиб берувчи белгиларини кўрсатинг?

- а) шахснинг ёши, жинси, соғлиғи;
- б) шахснинг ижтимоий функциялари;
- в) шахснинг ахлоқий-психологик тасаввурлари;
- г) шахснинг маълумот даражаси;
- д) барча жавоб туғри

29. Криминологияда жиноятчиликнинг сабаби деганда нима тушунилади?

- а) оқибат сифатида жиноятлар мажмуини келтириб чиқарувчи ҳодисалар;
- б) оқибат сифатида ғайри ижтимоий қилмишларни келтириб чиқарувчи ҳодисалар;
- в) оқибат сифатида муайян жиноятни келтириб чиқарувчи ҳодисалар;
- г) оқибат сифатида жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ҳодисалар;
- д) барчаси тўғри.

30. "Жиноятчиликнинг детерминантлари" тушунчаси нимани билдиради?

- а) жиноятчиликнинг келиб чиқишига имкон берган турли ҳолатлар, жараёнларнинг ўзаро боғликлиги ва алоқадорлиги;
- б) жиноий-ҳуқуқий муносабатлар;
- в) хўжалик соҳасида юзага келадиган муносабатлар;
- г) фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар;

31. Криминологик детерминация тизимида нималар киради?

- а) сабаблар ва шарт-шароитлар;
- б) жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари;
- в) жиноятчи шахс;
- г) жиноятчи шахс содир этган жиноят.

32. Сабаб ва шарт-шароитларнинг оқибат билан алоқадорлиги нима деб аталади?

- а) детерминация, боғлиқлик;
- б) ажратиш ва боғлиқлик;
- в) уйғунлик ва ажратиш;
- г) фарқ ва ўзаро алоқадорлик.

33. Якка тартибдаги профилактиканинг қандай усуллари мавжуд?

- а) бевосита, билвосита;
- б) илк ва иккиламчи;
- в) ишонтириш, мажбурлаш ва рағбатлантириш;
- г) мақсадли, муайян мақсадсиз, муайян соҳаларга нисбатан ва бевосита;
- д) бевосита профилактика.

34. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси объектларига нималар киради?

- а) салбий ижтимоий омиллар;
- б) иқтисодий, сиёсий, ахлоқий омиллар;
- в) одамларнинг ғайриқонуний фаолияти;
- г) жиноятчининг шахси;
- д) барча жавоблар туғри.

35. Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасининг субъектларини кўрсатинг?

- а) давлат органлари ва жамоат ташкилотлари;
- б) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;
- в) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари;
- г) фуқаролар;
- д) барча жавоблар туғри.

ТЕСТ БЎЙИЧА

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
в	а	д	б	г	г	а	а	г	в
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
в	а	в	в	в	г	а	а	б	д
21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
г	г	в	д	г	д	д	а	д	а
31	32	33	34	35					
а	а	в	д	д					

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари
Асосий адабиётлар

Дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар

Қ.Р.Абдурасулова. Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 305 бет.

Kriminologiya. Umumiy qism: IV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / I. Ismailov, Q.R. Abdurasulova, I.Yu. Fazilov. — T.: O'zbekiston Respublikasi IV Akademiyasi, 2015. — 252 b.

Криминология. Учебник – З.С.Зарипов, А.С.Якубов, Г.А.Аванесов и др.; Под ред. доктора юрид. наук, профессора З.С.Зарипова. – Т.: академия МВД Республики Узбекистан, 2006.- 508 с.

«Криминология»: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. – Т., 2007. – 539 б.

«Криминология»: Ўқув-услубий қўлланма / Қ. Р. Абдурасулова – Т., 2013. — 57 б.

«Криминология». Умумий қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 б.

«Криминология». Махсус қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқ. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 744 б.

Зарипов З., Исмаилов И. «Криминология». Умумий қисм: Дарслик. – Т., 1996. – 230 б.

Kriminologiya: Darslik / Mualliflar jamoasi. Z.S.Zaripovning umumiy tahriri ostida. – Т., 2009.

Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш: Ўқув-амалий қўлланма / И.Исмаилов, М.Зиёдуллаев, Н.Исраилова, Ф.Азимова. — Т., 2011. — 179 б.

Каракетов Ю., Усманолиев М. Криминология. - Т., 2001.

Каракетов Й.М., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари. Т.: Адолат, 1996, 168 б.

Бумаженко Н.И. Виктимология: Учебно-методическое пособие. — Витебск : УО «ВГУ им. П.М. Машерова», 2010. — 115 с.

Варчук Т.В., Вишневецкий К.В. Виктимология: Учебное пособие. — М.: Юнити-Дана, Закон и право, 2008. — 191 с.

Гаджиева А.А. Виктимология: Учебное пособие. — Махачкала: ДГУНХ, 2016. — 152 с.

Коган В.М. Социальные свойства преступности. – М.. 1977. – 37 б.

Кетле А. Человек и развитие его способностей. -СПб., 1865.

Папкин А.И. Современная криминальная виктимология: Учебно-методическое пособие. — Домодедово. Всероссийский институт повышения квалификации сотрудников МВД России, 2006. — 157 с.

Ривман Д.В. Криминальная виктимология. — СПб.: Питер, 2002. — 304 с.

Карпец И.И. Проблема преступности. — М., 1969. — б 109.

Криминология.- Москва: Норма, 2009.

Туляков В.А. Виктимология. — Киев, 2003. — 148 с.

Квашиш В.Е. Основы виктимологии проблемы защиты прав потерпевших от преступлений. — М.: 1999. — 350 с.

Квашиш В.Е. Крминальная психологя. Москва: Бек. 1999.

Криминология.- Алматы: Международный центр научных исследований и правовой экспертизы Р.К. 2008.-С 379.

Опыт дящегося криминологического изучения личности во взаимодействии с социальной средой. — М., 1992; Жигарев Е.С. Административная ответственность несовершеннолетних: понятие, виды и её профилактика. — М., 1992.

Нарикбаев М.С. Охрана детства в Республике Казахстан.- Москва: Норма, 2005.-С 268.

Кузницова Н.Ф. Проблема криминологической детерминации. .- Москва: Норма, 1984.

Долгова А.И. Социально-психологические аспекты преступности несовершеннолетних. — М., 1981.

Фалсафа асослари. (Тузувчи ва масъул муҳаррир: Назаров). — Т., «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2005. —384 б.

Парнюк М.А. Принцип детерминизма в системе материалистической диалектики. — Киев, 1972.

Гегель Г.Ф. Работы разных лет: В 2-х т. — М., 1973. Т. 2. — 107-б.

Хўжакулов С.Б. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти: Ўқув қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. — 148 б.

Ниёзова С.С. Виктимологическая профилактика преступлений: Учебное пособие. — Т.: Ташкентский государственны юридический институт, 2009 г. — 113 с.

Авлоний, Абдулла. Танланган асарлар: 2 жилдлик, 2-нашри, 2-жилд. Пандлар, ибратлар, ҳикоялар, набийлар ҳаёти, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари // Таҳрир ҳайъати: Н.Каримов ва бошқ.; Тўпловчи: Б.Қосимов; Изоҳлар ва луғатни О.Тўлабоев тузган /. — Т.: «Маънавият», 2006.

Абдулазиз Мансур. Ислом гиёҳвандликка қарши. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат Нашр, 1999.

Сайид Раҳматуллоҳ Термизий. Ҳалол касб – фаровонлик омили. Ҳалол савдо – касбларнинг яхшиси. - Т.: «Hilol-Nashr», 2017.

Исмаилов И., Зиёдуллаев М. ва б.қ. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш: ўқув-амалий қўлланма. –Тошкент: республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2011.

Қўшимча адабиётлар:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Т.: «Ўзбекистон», 2018. – 80 б.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекс // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 1997 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2001 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2008 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги 2008 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига таалукли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги 2008 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига таалукли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги 2008 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлашга доир шошилч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги 2008 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай рим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2008 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги 2014 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги 2016 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги 2016 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 2017 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги 2018 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги 2018 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги 2019 йил қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

Методологик аҳамиятга молик наишлар:

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. — 176 б.

Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. – 2016. – 7 дек.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. — Т.: «Ўзбекистон», 2017. — 488 б.

Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. — Т.: «Ўзбекистон», 2017. — 104 б.

Мирзиёев.Ш. Ислохотлар самарасини, дастурлар натижасини одамлар ўз ҳаётида сезиши керак. Халқ сўзи.2018 йил 30 июнь, №132(7090).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади // <http://uza.uz>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2018. – 29 дек.

Диссертациялар:

Утениязов М.К. Вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг олдини олиш муаммолари. Диссертация. Юридик фанлар номзоди. – Т., 2004 й. 164 б.

Абдуллаходжаев Г.Т. Предупреждение краж и мошенничества: виктимологические аспекты: дис. ... канд. юрид. наук. — Т., 2003. — 186 с.

Ганиев Ш.А. Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш: юрид. фан. докт. ... дис. — Т., 2016. — 301 б.

Закирова А.Г. Рашк туфайли содир этилган жиноятларга қарши кураш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва виктимологик жиҳатлар): юрид. фан. докт. ... дис. — Т., 2004. — 299 б.

Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктларининг жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш: юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2009. — 193 б.

Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: юрид. фан. докт. ... дис. — Т., 2006. — 393 б.

Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2009. — 208 б.

Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлари): юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2007. — 203 б.

Тахиров Ф. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари: юрид. фан. докт. ... дис. — Т., 2007. — 347 б.

Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юрид. фан. докт. ... дис. — Т., 2016. — 379 б.

Юлдашева М.М. Ҳозирги даврда мафкуравий таҳдидлар намоён бўлишининг хусусиятлари ва уларнинг олдини олиш йўллари: фалсафа фан. номз. ... дис. — Т., 2011. — 155 б.

Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: юрид. фан. докт. ... дис. — Т., 2016. — 338 б.

Қўчқорова Ф.Х. Ўзбекистонда фуқороларнинг виждон эркинлигини бузишга оид ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг олдини олиш йўллари: фалсафа фан. номз. ... дис. — Т., 2012. — 214 б.

Монографиялар:

Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. — Т.: ТДЮИ, 2005. — 231 б.

Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари: монография. — Т.: ТДЖТУ, 2008. — 214 б. Б — 140.

Ганиев Ш.А. Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масалалари: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. — 116 б.

Зокирова О.Ғ. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари: Монография. — Т.: ТДЮИ, 2004. — 301 б.

Исмаилов И. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. — 206 б.

Фазилов И.Ю. Бола савдоси учун жавобгарлик: бугунги ҳолати ва ривожланиш истикболлари: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — 102 б.

Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. — 300 б.

Илмий тўпламлар:

Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич якунлари ва истикболдаги вазифалар //

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. - № 4. 5 б.

Абдурасулова Қ.Р. Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва унинг олдини олиш муаммолари // Қонун ҳимоясида. – 2001. - №1 . – Б. 23.

И.Исмаилов. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2010. - №4. – Б.48.

Абдурасулова Қ.Р., Мамажонов Ш. Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик: сабаблари ва олдини олиш чоралари. // “Замонавий жамиятда инновацион тараққиёт ва ижтимоий-гуманитар фанлар интеграцияси” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари (14 март 2019 йил) тўплами . Т.: Ўзбекистон халқаро Ислом Академияси. 2019. Б-11.

«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — 336 б.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами (2015 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) / Ўзбекистон Республикаси Олий суд раиси Ш.Газиёвнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Адолат. 2015.

Мустаҳкам оила – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2012 йил 28 апрель). — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. — 387 б.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 12 март). — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — 252 б.

Мухторов Ж.С., Қурбонов Х.Ў. Профилактика инспекторларининг вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш бўйича вазифалар // «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2011. – Б. 89.

Ачилов Б.А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишнинг айрим жиҳатлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2010. - №3. – Б.83.

Абдуллаева Ш.А., Рўзиева Г.А. Девиант хулқли ёшлар билан профилактик тадбирлар олиб бориш йўллари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2011. - №3. – Б.71.

Ёдгоров Х., Ўзбекистон Республикаси Олий суд раисининг ўринбосари, Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси / Вояга етмаган болалар нега жиноят содир этмоқда? kun.uz / Жамият: 02.03.2018.

Холов А.Т. Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишнинг олдини олишда профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2018. - №2. – Б. 59-60.

Ғофуров Ш.Р. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. - №3. – Б.64.

Интернет сайтлари:

<http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).

<http://press-service.uz/uz> (Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти).

<http://natlib.uz> (Алишер Навоий Номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси).

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).

<http://ziyonet.uz> (ZiyoNET таълим портали).

<http://utube.uz/ru> (Utube.uz таълим видеопортали).

<http://book.uz/> (Электрон адабиётлар кутубхонаси).

<http://www.xs.uz> («Халқ сўзи» газетаси).

<http://www.legislationline.org/ru> (Бюро по демократическим институтам и правам человека ОБСЕ).

<http://www.jeevajyothi.org>.

<http://www.law.edu.ru> («Юридическая Россия» – федеральный правовой портал).

<https://elibrary.ru> (Научная электронная библиотека).

<http://lawtheses.com> (Библиотека юридических наук – авторефераты и диссертации по правоведению и юриспруденции).

<http://wikipedia.org> (Wikipedia очик энциклопедиаси).

<http://www.uz> (Миллий қидирув тизими).

<http://www.google.ru> (Google қидирув тизими).

<http://www.yandex.ru> (Яндекс қидирув тизими).

МУНДАРИЖА

1-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ....6-24

1 §. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг халқаро ҳуқуқий асослари.....6-10

2 §. Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг миллий ташкилий-ҳуқуқий асослари.....11-24

2-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА ВОЯГА ЕТМАГАН ЖИНОЯТЧИНИНГ ШАХСИ.....25-40

1 §. Вояга етмаганлар жиноятчилиги тушунчаси.....25-29

2 §. Вояга етмаган жиноятчининг шахси.....30-40

3-БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УНИНГ САБАБЛАРИ.....41-84

1 §. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати.....41-56

2 §. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар.....57-71

3 §. Вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олиш.....72-84

ХУЛОСА.....85-88

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.....89-93

ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....94-100

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....101-108

Бегзод Атабоевич УМИРЗАКОВ

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК
ТАВСИФИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ**

Ўқув қўлланма

Муҳаррир _____

Техник муҳаррир _____

Босишга рухсат этилди _____. Нашриёт-ҳисоб табағи 4,0.

Адади 100. Буюртма № _____. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197. Тошкент ш., Интизор кўчаси 68.